

МУСТАҚИЛЛИК – ЭЗГУ НИЯТЛАРИМИЗ, БУЮК МАҚСАДЛАРИМИЗ РЎЎБИ ЙЎЛИДА ҚУДРАТ МАНБАИ



Кўксарой қароргоҳида 31 август куни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда сенаторлар, депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари масъулари, илм-фан, маданият соҳаси фидойилари, нурунийлар ва ёшлар иштирок этди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри жамоатчилиги вакиллари махсус студияларда онлайн кузатиб борди. Тадбирда Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёев байрам нутқини сўзлади.

Давоми 3-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ва муҳтарам ватандошлар!
Аввало, сиз азизларни, кўп миллатли бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллик байрами билан чин қалбимдан табриқлайман.
Айни пайтда ушбу тантанали маросимни жойлардаги студияларда, шунингдек, уйларида "ойнаи жаҳон" орқали томоша қилаётган, менинг табрик сўзларимни эшитиб турган мўътабар отахон ва онахонларимизга, мунис опа-сингилларимизга, азиз ёшларимизга, барча-барча юртдошларимизга ўзимнинг юксак эҳтиромимни билдираман.

Ҳаммангизга маълум, пандемия туфайли бу йил Мустақиллик байрамини ҳар доимгидек катта тантана ва сайиллар билан нишонлай олмаёямиз.
Халқимизнинг саломатлигини ўйлаб, байрам тадбирларини ихчам шаклда, онлайн режимда ўтказмоқдамиз. Лекин, ҳар йилгидек, машҳур санъаткорларимиз ушбу кутлуғ санага атаб катта-катта концертлар, бадий дастурлар тайёрлашган ва улар телевидение орқали халқимизга тақдим этилади.
Ҳеч шубҳасиз, барчамиз учун энг улуг ва муқаддас бўлган бу байрам шукуҳи оилаларимиз даврасида,

қалбларимизда, юракларимизда давом этади.
Хурматли дўстлар!
Башарият тарихи шундан далолат берадики, ҳар бир халқ фақат эркин ва озод бўлган тақдирдагина, ўз ҳаёти ва келажagini мустақил барпо этиш ҳуқуқига эга бўлади. **"Ҳақ берилмас, ҳақ олинур!"** деб миллат озодлиги йўлида жонини фидо қилган улуг аждодларимизнинг буюк мақсади ҳам шу эди.
Халқимизнинг беқисас жасорати ва матонати билан Биринчи Президентимиз муҳтарам Ислам Абдуганиевич Каримов бошчилигида қўлга киритилган давлат

мустақиллиги ана шу асрий орзумизни амалда таъминлаган оламшумул воқеадир.
Биз қандай таҳликали ва суронли даврларни бошимиздан кечирмайлик, қандай ютуқ ва натижаларга эришган бўлмайлик, мустақиллик гоёси, истиқлол руҳи бизга доимо тоғдек таянч бўлмоқда.
Бугун чексиз ифтихор билан айта оламизки, донишманд халқимизнинг узоқни кўра олиши, бирдамлиги ва фидойи меҳнати билан барча синовлардан муносиб ўтиб келмоқдамиз.

Давоми 2-бетда

ОЗОДЛИК УЧУН КУРАШГАНЛАР ВА МАЪРИФАТПАРВАРЛАР ЁДИ ХАЛҚИМИЗ ҚАЛБИДА ЯШАЙДИ

Мустабид ва истилолар даврида заминимизда минглаб бегуноҳ инсонлар умри хазон бўлганини, қанча-қанча оилалар пароканда ва хонавайрон бўлиб, гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди.

Халқимизнинг ана шундай фидойи ва матонатли ўғил-қизлари номларини, ҳақиқат ва адолатни тиклаш, замондошларимиз, хусусан, ўсиб келаётган ёш авлод онгу шурида улар хотирасига эҳтиром туйғусини юксалтириш мақсадида 2001 йилдан буён 31 август санаси мамлакатимизда Қатагон қурбонларини ёд этиш куни сифатида нишонланади.

Қурбон бўлганларнинг номларини қайта тиклаш, хотирасини абадийлаштириш мақсадида пойтахтимизда "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуаси ва "Қатагон қурбонлари хотираси" музейи бунёд этилди. Бу масканлардан зиёратчилар қадами узилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев 31 август куни Шаҳидлар хотираси хиёбонига ташир буюрди.

Мажмуадаги рамзий қабр ёнида қатагон қурбонлари руҳларига бағишлаб Қуръон тиловат қилинди. Шу ерда нурунийлар, уламо ва зиёлилар билан мулоқот бўлди.

— Ватан фидойиларини эслашимиз, уларнинг ҳақиқа Қуръон ўқимиз яхши анъана. Маърифатпарвар боболаримиз мустақиллик учун, халқимиз эмин-эркин яшаши учун курашганини биламиз. Охири йилларда бутун жамоатчилигимиз ҳаракати билан уларнинг номларини тиклаш, музейларни янги намуналар билан тўлдириб, ижод мактаблари ташкил этиш бўйича кўп ишлар қилиняпти. Буларнинг ҳаммаси — одамларга тарихий адолатни, ҳақиқатни етказиш, халқимиз у кунларни билиши ва ҳеч қачон унутмаслиги, бугунги кунларнинг қадрига етиши учун, — деди Шавкат Мирзиёев.

Маълумки, мустабид тузум даврида минглаб бегуноҳ ватандошларимизнинг умри хазон бўлган. 1937-1953 йилларда Ўзбекистонда 100 минг одам қатагонга учраган. Уларнинг 13 минг нафари шафқатсиз отиб ташланган. Қанчадан-қанча оилалар хонавайрон бўлиб, болалар етим қолган. Биргина 1937-38 йиллардаги катта қатагон даврида 7 мингга яқин ватандошимиз отилган.

— Бу инсонлар ҳақиқий етакчилар, илғор зиёлилар, адабиёт, маданият намояндalари, бошқача айтганда, миллатимизнинг, халқимизнинг энг сара вакиллари эди. Тасаввур қилинг, агар улар қатагон қилинганда Ватанимиз ривож учун, илм-фан, иқтисодиёт, маданият ва адабиётимиз учун қандай буюк ишлар қилган бўлар эди, халқимизни олдинга бошларди. Шу билиб туриб қилинган. Бугун бунини армон билан эслаймиз, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари қатагонга учраган ана шу 100 минг одамнинг ҳар бири бўйича изланиш, жойларга чиқиб, қариндошлари билан учрашиб, номларини тиклаш, қилган ишлари ҳақида китоблар чоп этиш, уларни яшаган маҳаллалар ва мактабларга номларини қўйиб, хотирасини абадийлаштириш зарурлигини таъкидлади.

Сўнги йилларда Исҳоқхон Ибрат, Махмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий сингари маърифатпарварлар хотирасига бағишлаб музейлар, музазам ҳайкаллар яратилди. Ижод мактаблари бунёд этилди. Қорақалпоғистон Республикасида, барча вилоятларда Қатагон қурбонлари музейининг бўлимлари очилди. Қатагон қурбонларига бағишланган янги-янги китоблар, фильмлар, тадқиқотлар яратилмоқда.

Коронавирус пандемияси юртимизни ҳам четлаб ўтмади. Афсуски, бу касаллик уч юздан зиёд юртдошимизнинг ҳаётига зомин бўлди.

Маросимда ушбу инсонлар хотирасига бағишлаб ҳам Қуръон тиловат қилинди. Беморларнинг тезроқ соғайишини Аллоҳдан сўраб, дуо ўқилди.

— Ўз яқинларидан жудо бўлган барча оилаларга чуқур ҳамдардлик билдириб, сабр-тоқат тилайман. Даволанаётган беморларимизнинг дардида шифо беришини Худодан сўраймиз. Олти ойдан бери шу бало билан курашяёмиз. Бу касаллик юртимиздан тезроқ кетишини сўраб дуо қиламиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Шу кунини Президентимиз Шавкат Мирзиёев Мустақиллик майдонига ташир буюриб, Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйди. Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллик байрами муносабати билан йиғилганларни табриқлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонуңчилик палатаси, Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, пойтахт жамоатчилиги вакиллари ҳам монумент пойига гуллар қўйди.

ЎЗА

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан Президент Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли давлат, жамоат ва дин арбобларидан самимий қутловлар келмоқда.
Уларда Ўзбекистоннинг давлат ва жамият қурилишида эришган муваффақиятлари, мамлакатнинг барқарор тараққиётини таъминлаш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш,

республикамизнинг халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлашга қаратилган кенг миқёсли ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижалари эътироф этилган.
Мақтубларда давлатимиз раҳбари ва Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқига фаровонлик, тинчлик-осойишталик ва раванқ тилаклари изҳор этилиб, халқаро ҳамжамият олдида турган умумий глобал хатарлар тез фурсатда енгиб ўтилишига ишонч билдирилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари!
Мустақиллик куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси халқига самимий табриқларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.
Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳар бир аъзоси ўзининг бетакорор маданияти ва тарихига эга, уларнинг хилма-хиллиги БМТ ва дунёни бойитмоқда. Мамлакатингиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолиятида халқаро кун тартибидagi барча масалалар борасида иштирок этиши жуда ҳам муҳим.
Жорий йилда, Барқарор тараққиёт соҳасидаги мақсадларга эришиш бўйича ҳаракатларнинг биринчи ўн йиллигида, барчанинг манфаатига хизмат қиладиган адолатли глобаллашувни барпо этишда умумий мақсадларимизни кучайтиришимиз лозим.
Дунёни барча учун янада тинч, адолатли ва барқарор қилишга интилар эканмиз, бу борадаги барча саъй-ҳаракатларда Ўзбекистон Республикасининг ҳиссаси ва кўмагидан умидворман.
Жаноби Олийлари, Сизга бўлган энг юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Антониу ГУТЕРРИШ,
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Шавкат Миромонович!
Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан самимий табриқларимни қабул қилгайсиз.
Ўзбекистоннинг ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда эришган муваффақиятлари барчага маълум. Мамлакатингиз жаҳон майдонда эътироф этилган обрў-эътибор қозонган, халқаро кун тартибидagi долзарб масалаларни ҳал этишда муҳим ўрин тутди.
Россия — Ўзбекистон муносабатлари стратегик шериклик ва иттифоқчилик руҳида ривожланиб бормоқда. Ишончим комил, биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан кўп қиррали икки томонлама муносабатларни дўст халқларимиз фаровонлиги йўлида янада ривожлантирамиз.
Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, сихат-саломатлик ва давлат раҳбари сифатидаги фаолиятингизда улкан зафарлар, Ўзбекистоннинг барча фуқароларига эса бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.
Хурмат билан,

Владимир ПУТИН,
Россия Федерацияси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Хурматли Президент Жаноблари!
Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ва халқи номидан, шахсан ўз номидан Сизни ва Сиз орқали биродар Ўзбекистон халқини давлат мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан самимий табриқлашга ижозат бергайсиз.
Кейинги йиллар Ўзбекистонда Сизнинг забардаст раҳбарлигингизда турли йўналишларда ислохотлар амалга оширилди, давлат қурилиши соҳасида катта муваффақиятларга эришилди. Хитой бундан чин юракдан мамнун. Коронавирус инфекцияси тарқалганидан сўнг Ўзбекистон ушбу эпидемияга қарши курашишда жипслашди. Ўзбекистон халқи бунда албатта ғалаба қозонишига қатъий ишонаман.
Жорий йилнинг май ойида телефон орқали дўстона руҳда мулоқот қилдик, коронавирусга қарши умумий курашимиз ва икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича муҳим келишувларга эришдик.
Хитой — Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқдан ҳамда ўртаимиздаги намунали ишчан муносабатларимиз ва шахсий дўстлики юксак қадрлайман.
Сиз билан биргаликда Хитой — Ўзбекистон ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги йўлида ривожлантиришда янги натижаларга эришиш учун ҳаракат қилишга тайёрман.
Дўст Ўзбекистонга раванқ ва куч-қудрат, унинг халқига эса бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Си ЦИНЬПИН,
Хитой Халқ Республикаси Раиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Жаноблари!
Америка халқи номидан Сиз ва Ўзбекистон халқини мамлакатингиз мустақиллигининг 29 йиллиги билан табриқлайман. Америка Қўшма Штатлари давлатингиз суверенитети, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини қўллаб-қувватлашда Сизга елкадошдир.
Ўтган йил ичида, ҳатто глобал хатарларга қарамай, янада чуқурлашган кенг миқёсли ҳамкорлигимизни юқори баҳолайман. Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда Афғонистон билан ҳамкорлик ва ришталарни яхшилаш бўйича ташаббусингизни оқшайлайман. Шунингдек, мен катта мақсадларни қўловчи ислохотлар дастурингизни юксак қадрлайман, у тўлиқ амалга ошгач, Ўзбекистон халқи ва умуман минтақанинг янада очиб-қувватлашга фаровон келажagini таъминлайди.
Америка Қўшма Штатлари ушбу ташаббусларда ва COVID-19 га қарши курашда шерингиз эканидан фахрланади. Келгуси йилда ҳамкорлигимизнинг янада самарали натижаларига умид қилиб қоламан.
Хурмат билан,

Дональд ТРАМП,
Америка Қўшма Штатлари Президенти

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Бошланиш 1-бетда

Шу нуқтаи назардан, бизнинг инсоний кадр-қимматимизни, гурур ва шаънимизни, дину диёнатиимизни, миллий давлатчилигимизни тиклаб берган Мустақиллик куни Ватанимизнинг шонли тарихида ҳамisha энг ёрқин саҳифа бўлиб қолади.

Бугун жаҳон миқёсида юртимиз ҳақида сўз кетганда “Янги Ўзбекистон” ибораси тилга олинмоқда. Бу кейинги йилларда тараққиётнинг мутолқа янги босқичига қадам қўйганимиз, эришган залворни ютуқларимизнинг эътирофидир.

Халқимизнинг улғувор қўдрати шун урған ҳозирги замонада Ўзбекистонда янги бир уйғонган — Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айна ҳақиқат бўлади. Чунки бугунги Ўзбекистон — кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас.

Истиқлол йилларида босиб ўтган шонли йўлимизга назар ташлаб, эртанги кунимизга, ўз куч ва имкониятларимизга бўлган ишончимиз янада ортмоқда. Мамлакатимизни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ барча соҳа ва тармоқларда амалга ошираётган ислохотларимиз бу борада ҳал қилувчи омил бўлмоқда.

“Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” деган даъваткор ғоя ҳаётимизга тобора чуқур кириб бормоқда. Биз айна шу асосда халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, инновацион тараққиёт борисида муҳим қадамларни қўймоқдамиз.

Кенг жамоатчилик, эл-юртимиз барча ижобий ўзгаришларнинг ташаббускори ва бунёдкори айланмоқда. Мамлакатимизни фуқаролари қаерда бўлмасин, давлат ҳимоясида эканини, қонун ва адолат кучини ҳис этиб яшамоқда.

Бугун бир ҳақиқатни қатъий ишонч билан айтиш мумкин: **дунёда турли хавф-хатарлар, манфаатлар тўқнашуви кучайиб бораётган ҳозирги таҳликали вазиятда Ўзбекистонда шаклланган янги тизим ўзини тўла оқламоқда.**

Азиз юртдошлар! Сизларга маълумки, шу йил бошида 2020 йил учун улкан режа ва мақсадларни белгилаб олган эдик. Бироқ жаҳон миқёсида юзага келган коронавирус пандемияси ва иқтисодий инқироз, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида руй берган табиий ва техноген офатлар барчамизнинг иродамизни жиддий синовдан ўтказди. Тош келса кемириб, сув келса симириб тобланган халқимиз бу оғир кунлардан ҳам ўзининг сабр-матонати, меҳр-оқибати ва меҳнатқилиғи билан янада кучли бўлиб ўтмоқда.

Хозирги мураккаб вазиятда биз учун ғоят муҳим иккита вазифани самарали ҳал этиш — энг долзарб заруратга айланмоқда. Яъни, биз аҳолиимизнинг соғлиғи ва ҳаётини асраш, шу билан бирга, иқтисодиётимизни тиклаш, одамларга ишлаб даромад топиши учун шароит яратиб бериш муаммосини бир пайтнинг ўзида ҳал этмоқдамиз.

Пандемия даврида халқимиз том маънода қудратли кучга айланди. Бунини “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати яна бир бор яққол намоян эди. Бу эзгу ташаббус ишбилармон ва тадбиркорларни, фидойи ёшларимизни, барча-барча ватандошларимизни олижаноб мақсад йўлида бирлаштирди.

Хазрат Алишер Навоийнинг: **Даврон элининг ҳисмида жон бўлғил, Ҳам жонларига мояи дармон бўлғил,** — деган сўзлари бугун янада теран маъно билан янграмоқда.

Чиндан ҳам, ҳозирги давр ҳар биримизни саховат ва ҳиммат қўрсатиб, хайри ишларимиз билан эл-юрт дардига дармон бўлишга ундамоқда. Айна вақтда коронавирус мамлакатимиз тиббиёт тизими учун ҳам жиддий синов, ҳам улкан тажриба мактаби бўлди.

Бу балога қарши курашиш бўйича сўнги олти ой давомида мисли кўрилмаган ишларни амалга оширдик. Жумладан, қўлаб янги шифохоналар ва карантин зоналари ишга туширилди. Катта миқдорда қўшимча тиббиёт ускуналари ва тез ёрдам машиналари харид қилинди. Энг илгор ҳорижий амалиёт ва ўзимизда тўпланган тажриба асосида даволаш усуллари такомиллаштириб борилмоқда. Коронавирусга қарши курашда туну кун метин ирода билан фаолият юритаётган тиббиёт ходимларининг фидокорона меҳнатини муносиб қадрлаб доимий эътиборимизда турибди. Бундай чора-тадбирларимиз натижасида минглаб беморлар шифо топиб, oilаси бағрига қайтмоқда.

Чет давлатларга меҳнат қилиш ва ўқишга кетиб, пандемия туфайли қийналиб қолган юртдошларимизни ўз уйларига қайтариш, тегишли ёрдам қўрсатиш бўйича амалга оширган катта ишларимиз давом эттирилмоқда.

Ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги керак: қанчалик қийин бўлмасин, қанча маблағ ва имконият талаб этилмасин, Ўзбекистоннинг биронта фуқароси ўз ҳолига ташлаб қўйилмайди.

Барчангизга яхши маълум, дунёда икки соҳа вакиллари ўз касбига садоқат борисида қасамёд қабул қилади: булар — Ватан ҳимоячи-

лари бўлган ҳарбийлар ва инсон саломатлигига масъул шифокорлар. Бунинг бежиз эмаслигини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Муқаддас қасамёдига содиқ бўлган шифокорларимиз ҳозирги мураккаб вазиятда, керак бўлса, азиз жонларини фидо қилиб, қаҳрамонларча меҳнат қилмоқдалар.

Халқимиз, давлатимиз сизларнинг матонат ва жасоратингизни ҳеч қачон унутмайди. Биз нечоғлик ҳаракат қилмайлик, афсуски, бу хавфли касаллик бир қанча ватандошларимизнинг умрига зомин бўлди. Бу оғир йўқотишлар юракларимизни ларзага солди. Негаки, бу инсонларнинг ҳар бири бизнинг жигарларимиз эди.

Шу ўринда яқинларидан жудо бўлган юртдошларимизга чуқур ҳамдардлик билдириб, уларга Яратгандан сабр-тоқат ва бардош тилайман. Қадрли ватандошлар!

Халқимизда **“Оққан дарё — оқаверади”** деган ҳикматли гап бор. Бунинг бугунги мураккаб вазиятда амалга ошираётган улкан ишларимиз исботлаб турибди.

Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси каби нуфузли молия ташкилотлари дунёдаги санокли мамлакатлар қаторида Ўзбекистонда иқтисодиётнинг пасайишига йўл қўйилмаганини таъкидламоқда ва кейинги йилларда сезиларли ўсиш кутулаётганини прогноз қилмоқда. Бу албатта ўз вақтида қўрган тезкор чораларимизнинг самарасидир.

Карантин чекловларига қарамадан, сановат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш бўйича бошлаган кенг қўламли ишларимизни изчил давом эттирмоқдамиз.

Аҳолиимизнинг асосий қисми ўзининг даромад манбалари ва турмуш даражасини сақлаб қолишига эришдик. Карантин талаблари жорий этилиши натижасида 72 минг 500 та сановат корхонасидан 16 минг 700 таси ўз фаолиятини вақтинча тўхтатган эди. Бу борада қилган тизимли ишларимиз ҳисобидан 16 минг 600 та корхонада ишлаб чиқариш жараёни тикланди. Мамлакатимиз корхоналари маҳсулотларини жаҳон бозорларига олиб чиқиш бўйича белгиланган режалар ҳам бажарилмоқда. Йил бошидан буюн 9 миллиард долларлик маҳсулотни экспорт қилишга эришганимиз ҳам бунини тасдиқлаб турибди.

Шу ўринда бир рақамга эътиборингизни қаратмоқчимман. Бу йил республикамизда биргина сановат соҳасида умумий қиймати 11 миллиард доллар бўлган лойиҳалар ишга туширилди.

Ана шундай йирик лойиҳалар қаторида янги Тошкент металлургия заводини алоҳида қайд этиш зарур. Германия ва Италиянинг замонавий технологиялари ўрнатилган ушбу корхона экологик жиҳатдан энг тоза ва хавфсиз бўлиб, йилгига 500 минг тонна металл прокати ишлаб чиқаради.

“Навоийазот” корхонасида йилгига 500 минг тонна азот кислотаси ва 100 минг тонна поливинилхлорид ишлаб чиқарадиган заводлар фойдаланишга топширилди. Йил охирига қадар бу ерда йилгига 660 минг тонна аммиак ва 577 минг тонна карбамид ишлаб чиқарадиган заводлар ҳам фаолият бошлайди. Янгитдан барпо этилаётган “Ўзбекистон ЖТЛ” заводида “Шуртан-газкимё” комплексининг метан газини асосида йилгига 1,5 миллион тонна синтетик ёқилғи олиш йўлга қўйилмоқда.

Олмалиқ кон-металлургия комбинатида рангли ва қимматбаҳо металллар тайёрлашни уч баробар кўпайтиришга доир, шунингдек, нефть, кимё, электротехника, қурилиш материаллари сановати, фармацевтика, тўқимачилик, чарм-пойабзал ва бошқа тармоқлар бўйича ҳам йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Иқтисодий соҳадаги ана шундай кенг қўламли ислохотлар туфайли халқаро валюта захираларимизнинг ҳажми қарийб 5,5 миллиард долларга ошиб, жами 34 миллиард АҚШ долларини ташкил этмоқда. Бу, ҳеч шубҳасиз, катта ютуғимиздир.

Иқтисодиётимизда барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда қишлоқ хўжалиғи алоҳида роль ўйнамоқда. Соҳани модернизация қилиш мақсадида халқаро молия ташкилотларининг маблағлари ҳисобидан қиймати 1 миллиард 200 миллион долларлик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳар бир ҳудудда замонавий агрохизмат марказларини ташкил этиш учун Жаҳон банкининг 500 миллион долларлик маблағи жалб этилди.

Биз кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга биринчи марта шундай улкан молиявий ресурсларни йўналтирмоқдамиз. Миришкор деҳқон ва фермерларимиз бу йилги мураккаб шароитда фидокорона меҳнат қилиб, ғалладан олти ярим миллион тоннага яқин ҳосил етиштирилди. Чорвачилик, паррандачилик, боғдорчилик, сабзавот ва полив экинлари етиштириш бўйича ҳам салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Имкониятдан фойдаланиб, ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган деҳқон ва фермерларимизга, ернинг ҳақиқий эгасига айланаётган кластер хўжалиқлари ходимларига, барча дала меҳнаткашларига самимий миннатдорчилик билдиришга руҳсат бергайсиз.

Хурматли дўстлар! Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес соҳасини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратишмоқда. Пандемия даврида тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳамда улар ўз фаолиятини давом эттириши учун бизнес субъектларига турли имтиёз ва энгилликлар берилгани сизларга яхши маълум.

Бу йил “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастурини амалга ошириш учун 4 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Ишончли комил, ана шундай тизимли ишларимиз орқали йил якунига қадар ишлаб чиқариш қувватларининг узлуксиз фаолиятини ва иқтисодиётимиз барқарорлигини албатта таъминлаймиз.

Улкан қурилиш майдонига айланган мамлакатимизда қўлаб янги-янги корхона ва турар-жойлар, йўл ва кўприклар, инфратузилма объектлари, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт масканлари барпо этилмоқда. Ҳозирги вақтда биргина ижтимоий соҳанинг ўзида 2 минг 400 га яқин объектда қурилиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Пойтахтимиздаги кунга кеча фойдаланишга топширилган янги ер ости ва ер усти метро линиялари, Ғалаба боғи, Адиллар Ҳайбони сингари мухташам мажмуалар, барча ҳудудларимизда қад кўтарайтган замонавий бино ва ишонотлар халқимизнинг улкан бунёдкорлик салоҳиятидан ёрқин далолатдир.

Қадрли байрам иштирокчилари! Маълумки, миллий мустақиллигимизнинг бош мақсади юртимиздаги ҳар бир инсоннинг иззат-ҳурмати ва қадр-қимматини жойига қўйишдан иборатдир.

Биз ана шу эзгу ишни давом эттириб, ижтимоий адолат тамойили асосида аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қамайтиришни давлат сиёсати даражасига кўтардик. Жумладан, ижтимоий нафақа билан таъминланган аҳоли сонини қарийб 1,5 баробар оширилди. Йил якунига қадар уларнинг сонини ҳозирги 774 мингдан 1 миллион 200 минг нафарга етказилади. Ушбу тоифани қўллаб-қувватлаш ва иқтисодиётимизни тиклаш учун давлат бюджетидан ўн кичи ярим триллион сўм маблағ ажратилди.

Кейинги пайтда уйма-уй юриб ўрганиш орқали аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, эҳтиёжманд оилаларни аниқлашнинг ўзига хос янги тизими шакллантирилди. Шу асосда, умумий ҳисобда, моддий ёрдам қўрсатиш учун 417 миллиард сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, сентябрь ойида моддий ёрдам ва кўмакга муҳтож, буювчисини йўқотган оилаларнинг фарзандларини ва ноғиронлиги бўлган болаларни қишки кийим-бош тўпалмари, мактаб формаси ва ўқув қуроллари билан таъминлаш мақсадида 426 миллиард сўмга яқин моддий ёрдам қўрсатилди.

Ўзбекистон тарихида ижтимоий соҳа бўйича бундай кенг қўламли ишлар илгари ҳеч қачон бўлмаган.

Бугунги кутлғу айёмда Ватанимиз келажаги бўлган ёшларимизнинг камоли йўлида қилаётган ишларимизни эсга олишимиз табиийдир.

Сўнги тўрт йилда мамлакатимизда 43 та янги олий таълим муассасаси ташкил этилиб, уларнинг сонини 121 тага етди. Бу йил олий ўқув юртиларига кириш учун бир ярим миллионга яқин ёшларимиз ҳужжат топширди. Бу рақам ўтган йилга нисбатан 40 фоиз кўп демакдир.

Ушбу кўрсаткичлар, аввало, фарзандларимиз ва уларнинг ота-оналари қалбидаги эртанги кунимизга, келажакка бўлган катта орзу-умид ва ишончдан дараж беради.

Ана шу ўғил-қизларимиз яқинда кириш имтиҳонларини топширади. Келингар, бўлғуси синовларда ҳамма фарзандларимизга омад ва зафарлар тилайлик!

Ёш авлод тарбиясида ҳал қилувчи ўрин тутадиган боғчалар ва мактаблар тизимида ҳам улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Президент мактаблари, ихтисослашган ва ижод мактаблари барпо этиш, “Замонавий мактаб” дастурини жорий этиш борисидаги ишларимиз ҳам узлуксиз давом эттирилмоқда.

Юртимизда Ёшлар ишлари агентлиги, Ёшлар масалалари бўйича идораларо кенгаши ташкил этилди. Олий Мажлис палаталари ҳузурнда Ёшлар парламентлари, Инновацион ривожланиш вазирлиғи қошида Ёшлар академияси тузилди. Ҳудудларда “Лойиҳалар фабрикаси” иш бошлади.

“Ёшлар — келажакимиз” давлат дастури доирасида иқтидорли ва ташаббускор ўғил-қизларимизнинг 8 мингдан зиёд бизнес лойиҳаларига қарийб 1,7 триллион сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди.

Фарзандларимизнинг этисёвд ва қобилияти, эзгу интилишларини тўлиқ рўёбга чиқариш, ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашлари учун барча имкониятларни яратиб бериш бундан буюн ҳам бош мақсадимиз бўлиб қолади.

Оила, оналик ва болалиқни ҳимоя қилиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, аёлларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхши-

лаш, гендер тенгликни таъминлаш борисидаги ишларимиз ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Хабарингиз бор, кам таъминланган оилаларда камол топаётган қизларимизнинг билим олиш имкониятини кенгайтириш учун бу йил янги тизим жорий этдик. Унга мувофиқ, ушбу ўқув йилида олий таълим даргоҳларининг кундузги бўлимларига бундай қизларимиз учун давлат грантин асосида 940 та қўшимча ўрин ажратилди.

Азиз ватандошлар! Ҳозирги пайтда дунё миқёсида рақобат қандай кескин тус олиб бораётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Бу шиддатли рақобатга фақат замонавий илм-фан ва инновация ютуқларини кенг жорий этиш орқали муносиб жавоб бера оламиз. Шунинг учун ҳам ушбу стратегик вазифа бизнинг фаолиятимизда устувор йўналишга айланмоқда.

Сўнги йилларда Ўзбекистон олимлари фундаментал фан ва унинг натижаларини амалиётга татбиқ этиш борисида бир қатор ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Хусусан, математика, физика, кимё, биология, астрономия, фармацевтика, геология, сейсмология ва бошқа соҳаларда жиддий амалий натижаларга эришилмоқда. Математика, кимё, биология фанларини ривожлантириш ва уларни ўқитиш борисидаги ишларимиз янги босқичга кўтарилмоқда.

Ҳайлиманки, Мухаммад ал-Хоразмий номидаги халқаро муқофотни таъсис этганимиз математика соҳасида ёш иқтидор эгаларини рағбатлантиришда яна бир муҳим омил бўлади.

Маълумки, ҳар қандай мустақил давлат мустақкам маънавий пойдеворга эга бўлгандагина юксам тараққиётга эриша олади.

Шу мақсадда биз “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси” доирасида умумтаълим мактабларида биринчи марта “Тарбия” фанини жорий этмоқдамиз.

Миллий давлатчилигимиз ва ўзгилгимиз тирмоли бўлган она тилимизни ривожлантириш бу борада энг муҳим йўналиш бўлиб қолади. Худо хоҳласа, бу йил 21 октябрь — Ўзбек тили байрами кунини бутун мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлаймиз.

Кейинги пайтда қабул қилинган фармон ва қарорлар асосида маданиятимиз ва санъатимиз ривожини янги босқичга кўтарилмоқда.

Мамлакатимизда диний-маърифий соҳалар ривожига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази қурилиши жадал давом эттирилмоқда. Ушбу бетакорр мажмуа халқимизнинг асрлар давомида жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасини намоян этади. Яқинда Имом Мотуридий илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш борисида бошлаган саяё-ҳаракатларимиз ҳам мана шу хайрли ишларнинг узвий давомидир.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари кенгаши сессиясида Суд-ҳуқуқ тизимида Ўзбекистон эришайтган амалий натижаларининг эътироф этилиши бу борадаги фаолиятимизга берилган холис баҳоқдор.

Юртимизда биринчи марта “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси” қабул қилинди.

Шу йил август ойида Ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг долзарб масалаларига бағишлаб Самарқанд веб-форуми ўтказилди. У нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон ёшлари ҳаётини яхшилаш учун глобал ҳамкорликни кучайтиришга қаратилгани билан муҳим аҳамият касб этади.

Юртимизда суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, жиноятга оид қонунчиликни либераллаштириш, тўғри йўлдан адашган инсонларни соғлом ҳаётга қайтариш юзасидан ҳам тарихий қадамлар ташланди.

Сўнги пайтда жазони ўтаётган шахсларга нисбатан афв институти кенг қўлланаётгани халқимизга хос бағрикенглик ва инсонпарварликнинг амалий ифодасидир. Ана шу ишларимизнинг мантиқий давоми сифатида Мустақиллик байрами арафасида яна бир Фармонга имзо чекдим. Унга қўра, қилмишига чин дилдан пушаймон бўлиб, қатъий тузалиш йўлига ўтган 73 нафар шахс жазони ўташ муассасаларидан озод қилиниб, ўз oilаси бағрига қайтарилди. Шунингдек, 40 нафар фуқаронинг жазо муддатлари қисқартрилди.

Инсон ҳуқуқларининг энг муҳим шартин бўлган шахсининг фуқаролигини тиклаш бўйича ҳам салмоқли қадамлар қўйилди. Қўп йиллар давомида юртимизда яшаб келайтган бўлса-да, фуқаролик ололмади юрган, бу юксам мақомини узок вақт интиқиб кутган 50 мингдан зиёд кишига Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги берилди.

Тараққиёт кушандаси бўлиш иллат — коррупцияга қарши мамлакатимизда кенг қўламли кураш олиб борилмоқда. Шу борада янги тузилма — Коррупцияга қарши курашиш агентлигини ташкил этганимиз ва масаланинг долзарблиғи ва доимий эътиборимизда бўлишидан далолат беради.

Жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларини эркинлаштириш, сўз ва матбуот эркинлиги, очкилик ва ошкоралик тамойилларини чуқур қарор топтириш, давлат ҳокимияти идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш бўйича бошлаган ишларимиз ортга қайтмас тус олганини яна бир бор таъкидламоқчиман.

Барчангиз хабардорсиз, ҳозирги мураккаб шароитга қарамадан, биз зиммамизга олган барча халқаро мажбуриятлар ва келишувларни тўлиқ бажариб келмоқдамиз. Хорижий шерикларимиз билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни фаол ривожлантирмоқдамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, коронавирусга қарши курашда бизга амалий кўмак берган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига, шунингдек, Хитой, Россия, АҚШ, Туркия, Жанубий Корея, Бирлашган Араб Амирликлари, Германия, Япония ва бошқа ҳамкор давлатларга халқимиз номидан самимий ташаккур изҳор этаман.

Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислам тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё инфратузилма инвестициялар банки ва бошқа ташкилотларга қўшма дастур ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда пандемия оқибатларини юмшатиш борисида кўрсатган ёрдамлари учун миннатдорлик билдираман.

Айна вақтда бизни Мустақиллик байрами билан қутлайтган барча узоқ-яқин давлатларнинг халқларига, чет эллик дўстларимиз ва ҳамкорларимизга тинчлик-омонлик, фаровонлик ва раванқ тилайман.

Мухтарам юртдошлар! Бугунги оғир вазият ҳар биримиздан ўз фаолиятимиз ва масъулиятимизни янада кучайтиришни талаб этмоқда.

Халқимизда “Кўз — қўрқоқ, қўл — ботир”, деган чуқур маъноли ибора бор. Бугунги шароитда бизнинг кўзимиз ҳам, қўлимиз ҳам, юрагимиз ҳам ботир бўлиши керак. Белимизни маҳкам боғлаб, пок ният билан меҳнат қилсак, шубҳасиз, қўзлаган марраларимизга эришамиз.

Муқаддас китобларда айтилганидек, ҳар қандай қийинчилик ортидан албатта бир энгиллик келади. Барчамиз бунга ишонамиз ва қодир Оллоҳдан шунини сўраймиз.

Ҳали кўп Наврўз ва Ҳайит айёмларини, тарихий саналар ва умумхалқ байрамларини ҳаммамиз биргаликда шоду хуррамлик билан ўтказамиз, иншооллоҳ.

Мана, келгуси йили давлатимиз мустақиллигига ўттиз йил тўлади. Мамлакатимиз тарихидаги ушбу унутилмас шонли санани ҳар томонлама муносиб нишонлашни ният қилганмиз. Илоҳим, шу кунларга соғ-омон, ёруғ юз билан етиш ҳаммамизга насиб этсин.

Маълумки, бугунги байрам арафасида турли соҳа ва тармоқларда фидокорона меҳнат қилаётган юртдошларимизнинг катта бир гуруҳи давлатимизнинг фахрий унвон, орден ва медаллари билан тақдирланди. Уларнинг барчасини қизгин табриқлаб, ижтимоий фаолиятлари ва шахсий ҳаётларида янги-янги муваффақиятлар тилайман.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, ўз инсоний бурчини ва фуқаролик масъулиятини чуқур англаб, истиқлолимизни мустақкамлаш учун фидокорона меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчиларга, қурувчи ва тадбиркорларга, фермер ва деҳқонларга, навқирон ёшларимизга яна бир бор самимий раҳмат айтаман.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Шавкат Миромонович! Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз. Тарихан қисқа даврда мамлакатингиз катта ютуқларга эришди — у нафақат Марказий Осиёда, балки халқаро майдонда ҳам фаол иштирокчига айланди. Қардош Ўзбекистонга фаровонлик ва жадал тараққиёт, ўзбек халқи Сиз раҳбарлигингизда порлоқ келажакка эришишини чин юракдан тилайман. Сизнинг минтақамиз давлатлари ўртасида шериклик ва ҳамкорликни, жумладан, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувлари доирасида мустақамлашдаги саъй-ҳаракатларингизни алоҳида таъкидламоқчиман. Мен мамлакатларимиз ўртасидаги кўп асрлик анъанавий ҳамкорлик асосида шаклланган стратегик шериклик бундан буён ҳам ривожланиб боришига ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, мухтарам Шавкат Миромонович, Сизга мустақам соғлиқ ва улкан муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва фаровонлик тилаймиз. Самимият ила,

Нурсултон НАЗАРБОВЕВ,
Қозоғистон Республикасининг
Биринчи Президенти — Элбоши



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Шавкат Миромонович! Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик байрами муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз. Сизнинг кучли ва эҳтиромга сазовор раҳбарлигингизда Ўзбекистон барқарор ривожланиши таъминлашга, халқаро майдондаги мавқеини мустақамлашга хизмат қилаётган кенг миқёсли, узоқ истиқболга мўлжалланган ислохотларни ишонч билан амалга оширмоқда. Қозоғистон Ўзбекистон эришган ютуқлардан чин дилдан хурсанд ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги биродарлик ришталари ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустақамлашга катта аҳамият беради. Ишончим комил, икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг барча масалалари буйича ўзаро ишончга асосланган фаол мулоқотимиз бундан буён ҳам Қозоғистон — Ўзбекистон дўстлик, яхши кўшничлик ва стратегик шериклик муносабатларини изчил ривожлантириш учун мустақам асос бўлиб хизмат қилади. Сизга, мухтарам Шавкат Миромонович, давлат раҳбари сифатидаги фаолиятингизда янги муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса фаровонлик ва равақ тилайман! Хурмат билан,

Қосим-Жомарт ТОҚАЕВ,
Қозоғистон Республикаси Президенти



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Хурматли Шавкат Миромонович! Қадри биродарим! Туркменистон халқи ва Ҳукумати номидан ва шахсан ўз номидан Сизни ва Сиз орқали бутун Ўзбекистон Республикаси халқини мамлакатингиз Мустақиллик куни муносабати билан самимий қутлаш ва энг яхши тилакларимни изҳор этиш шарафига муяссарман. Мустақиллик йилларида қардош Ўзбекистон ўз давлатчилигини мустақамлаш, халқ фаровонлигини яхшилаш ва халқаро майдондаги нуфузини оширишда сезиларли ютуқларга эришди. Мамлакатингизнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши танланган йўл нақадар самарали эканининг яққол тасдиғидир. Шунини алоҳида таъкидлашни истардимки, Туркменистон Ўзбекистон Республикаси билан йилдан-йилга янги мазмун билан бойиб бораётган муносабатларни самимий қадрлайди. Мулоқотимизга хос бўлган илиқлик ва ўзаро ишонч бундан буён ҳам икки қардош халқ манфаати йўлида стратегик шерикликни мустақамлаш ва ривожлантиришга хизмат қилишига ишонаман. Ушбу қулай фурсатдан фойдаланиб, Сизга, мухтарам Шавкат Миромонович, сийҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон халқига эса тинчлик, фаровонлик ва равақ тилайман. Чуқур хурмат билан,

Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ,
Туркменистон Президенти



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Хурматли Шавкат Миромонович, Сизни ва барча юртдошларингизни миллий байрам — Мустақиллик куни билан чин юракдан қутлайман. Шундай муҳим кунда Сизга мустақам соғлиқ, бахт-саодат, ишларингизда янги зафарлар, қардош ўзбек халқига эса абадий тинчлик, фаровонлик ва равақ тилайман. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон давлатчилигини барпо этишнинг катта йўлини босиб ўтди ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётда, халқ фаровонлиги ўсишини таъминлашда ва ўзининг халқаро обрўсини оширишда салмоқли ютуқларга эришди. Айниқса, Сизнинг, мухтарам Шавкат Миромонович, раҳбарлигингизда бугун мамлакатингиз ички ва ташқи сиёсатида амалга оширилаётган ўзгаришлар таҳсинга сазовор. Тожикистон — Ўзбекистон дўстлик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини изчил мустақамлаш ва кенгайтириш ҳар доим Тожикистон ташқи сиёсатининг энг муҳим йўналиши бўлган ва шундай бўлиб қолмоқда. Кейинги йилларда томонларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасидаги самарали давлатлараро ҳамкорлик умумий манфаатларнинг барча соҳаларида изчил ривожланиб бораётганини таъкидлашдан мамнунман. Ишончим комил, кўп асрлик дўстлик, яхши кўшничлик, ўзаро хурмат ва ишонч анъаналарига асосланиб, биз қардош халқларимиз манфаатлари, минтақамизда тинчлик, барқарорлик ва конструктив ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлида икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини ҳар томонлама мустақамлашда давом этамиз. Чуқур хурмат билан,

Эмомали РАҲМОН,
Тожикистон Республикаси Президенти



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Хурматли Шавкат Миромонович! Қирғиз Республикаси халқи номидан ва шахсан ўз номидан Сизни ва бутун Ўзбекистон Республикаси халқини Мустақиллик куни билан самимий муборакбод этаман. Сизнинг раҳбарлигингизда Ўзбекистоннинг минтақада ва бутун дунёдаги мавқеи сезиларли даражада мустақамланганини, мамлакатда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар ижобий натижалар бераётганини таъкидламоқчиман. Ишончим комилки, сизнинг кўмагингиз билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва стратегик шериклик таъминлашга асосланган дўстлик ва яхши кўшничлик муносабатлари бундан буён ҳам икки халқнинг ёрқин келажакка йўлида изчил ривожланиб боради. Хурматли Шавкат Миромонович, Сизга ва оилангизга сийҳат-саломатлик, бахт-саодат, ишларингизда муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик ва равақ тилайман! Хурмат билан,

Сооронбай ЖЭЭНБЕКОВ,
Қирғиз Республикаси Президенти



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Президент, хурматли қардошим! Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик байрами муносабати билан Сиз Жаноби Олийларини ва Сиз орқали бутун ўзбек халқини халқим ва шахсан ўз номидан энг самимий туйғуларим ила муборакбод этаман. 29 йиллигини қутлаётган дўст ва қардош ўлка — Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги биз учун буюк қувонч ва бахтиёрлик манбаидир. Туркия Республикаси Ўзбекистоннинг ва ўзбек қардошларининг ёнида бўлишда давом этади. Бу йил февраль ойида Стратегик ҳамкорлик Олий кенгаши биринчи йиғилиши ва Президент Девони қoшидаги кутубхонанинг очилиш маросимига иштирок этиш учун юртимизга амалга оширган ташрифингизнинг гузал таассуротлари ҳамон ёдимизда. Стратегик шериклик даражасига етган муносабатларимизда кузатилаётган ўзгаришларни эътиборга олганда, эришилган жадаллик суръатлари сақланиши ва давом эттирилиши катта аҳамиятга эга. Бу борада Қўрбон ҳайити муносабати билан юборган табрик мактубингизда Стратегик ҳамкорлик Олий кенгашининг кейинги йиғилишини ўтказиш учун Ўзбекистонга таклифингизни мамнуният билан олдим. Келгусида дипломатик каналлар орқали белгиладиган мақбул санада Ўзбекистонга ташриф буюришдан гўят бахтиёр бўламан. Фурсатдан фойдаланиб, Сиз Жаноби Олийларига сийҳат-саломатлик, бахт-саодат, дўст ва қардош ўзбек халқига омонлик тилакларимни йўллайман.

Режеп Таййип ЭРДОҒАН,
Туркия Республикаси Президенти



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Шавкат Миромонович, Сизга ва бутун Ўзбекистон халқига Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллик байрами муносабати билан энг самимий табрикларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз. Утган йили Ўзбекистонга ташрифим давомида алоҳида стратегик шериклик даражасига кўтарилган мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар янада фаол ривожланиб боришига умид қиламан. Айни пайтда бутун дунё COVID-19 пандемияси билан боғлиқ мураккаб даврни бошидан кечирмоқда. Умид қиламанки, мамлакатларимиз яқин ҳамкорлик орқали коронавирусни ақл-заковат билан енгиб, икки томонлама алоқаларни янги, юқори даражага кўтарари. Хурматли Шавкат Миромонович, Сизга мустақам соғлиқ ва муваффақиятлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасига чексиз фаровонлик тилайман. Хурмат билан,

Мун Чже ИН,
Корея Республикаси Президенти



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Президент Жаноблари! Сизга ва мамлакатингиз фуқароларига Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан самимий табрикларимни йўллайман. Утган йилги ўзаро ташрифларимиздан буён Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги муносабатлар мустақамланиб бораётгани жуда қувонарлидир. Барчамиз учун жиддий муаммага айланган COVID-19 пандемияси инқироз шароитида ишонч ва шериклик нақадар муҳимлигини намойиш этмоқда. Айни шу пайтда Сиз бошлаган ислохотлар ва модернизация жараёнлари кўринарли натижаларни бермоқда. Сизга ушбу йўлни муваффақиятли давом эттиришингизни тилайман ва Германия бу борада Ўзбекистонни қўллаб-қувватлашда давом этишга тайёрлигини билдираман. Сизга энг эзгу тилаклар, Ўзбекистон халқига эса эркинлик, хавфсизлик ва фаровонлик шароитида тинч келажакни тилайман.

Франк-Вальтер ШТАЙНМАЙЕР,
Германия Федератив Республикаси Президенти

- Шунингдек, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:
- НАРУХИТО** — Япония Императори
 - Нархат КОВИНД** — Хиндистон Президенти
 - Ашраф ҒАНИ** — Афғонистон Президенти
 - Илхом АЛИЕВ** — Озарбайжон Президенти
 - Александр ЛУКАШЕНКО** — Беларусь Президенти
 - Игорь ДОДОН** — Молдова Президенти
 - Владимир ЗЕЛЕНСКИЙ** — Украина Президенти
 - ЕЛИЗАВЕТА II** — Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Қиролчиси
 - ФИЛИПП** — Белгияликлар Қироли
 - ФИЛИПП VI** — Испания Қироли
 - ВИЛЛЕМ-АЛЕКСАНДР** — Нидерландия Қироли
 - КАРЛ XVI ГУСТАВ** — Швеция Қироли
 - Александр Ван дер БЕЛЛЕН** — Австрия Президенти
 - Румен РАДЕВ** — Болгария Президенти
 - Янош АДЕВ** — Венгрия Президенти
 - Сержо МАТТАРЕЛЛА** — Италия Президенти

- Эгилс ЛЕВИТС** — Латвия Президенти
- Анжэй ДУДА** — Польша Президенти
- Зузана ЧАПУТОВА** — Словакия Президенти
- Милош ЗЕМАН** — Чехия Президенти
- Симонетта СОММАРУГА** — Швейцария Президенти
- ФРАНЦИСК** — Рим-католик черкови раҳбари
- Халифа бин Зоид ОЛ НАҲАЁН** — БАА Президенти
- Абдулфаттоҳ Ас-СИСИ** — Миср Президенти
- Ҳасан РУҶОНИЙ** — Эрон Президенти
- Имрон ХОН** — Покистон Бош вазири
- Ҳайсам бин ТОРИҚ** — Умон Султони
- Жоко ВИДОДО** — Индонезия Президенти
- Султон Абдуллоҳ Риъятуддин** — Малайзия Подшоҳи
- Ал-Мустафо БИЛЛОҲ** — Сингапур Президенти
- Ҳалима ЯҚУБ** — Филиппин Президенти
- Родриго ДУТЕРТЕ** — Фластин Президенти
- Маҳмуд АББОС** — Бангладеш Президенти
- Абдул ҲАМИД** — Бангладеш Бош вазири
- Шаих ҲАСИНА** — Бангладеш Бош вазири

- Абдулмажид ТАББУН** — Жазаир Президенти
- Буньян ВОРАЧИТ** — Лаос Президенти
- Хосе Даниэль ОРТЕГА СААВЕДРА** — Никарагуа Президенти
- Мухаммад бин Зоид ОЛ НАҲАЁН** — БАА Қуролли кучлари Олий бош қўмондони ўринбосари, Абу-Даби Амирлиги валиаҳди
- Мухаммад бин Рошид ОЛ МАКТУМ** — БАА Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими
- Цюй ДУНЬЮЙ** — Озбек-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ҲАО) бош директори
- Зураб ПОЛИКАШВИЛИ** — Жаҳон сайёҳлик ташкилоти бош котиби
- Кунио МИКУРИЯ** — Жаҳон божхона

- Салим АЛ-МАЛИК** — ташкилоти бош котиби
- Жильбер УНГБО** — Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислот ташкилоти (АЙСЕКО) бош директори
- Бағдат АМРЕЕВ** — Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси президенти
- Сергей ЛЕБЕДЕВ** — Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши бош котиби
- Хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли сиёсатчилар ва жамоат арбобларидан қутловлар келиши давом этмоқда.**

МУСТАҚИЛЛИК – ЭЗГУ НИЯТЛАРИМИЗ, БУЮК МАҚСАДЛАРИМИЗ РЎЁБИ ЙЎЛИДА ҚУДРАТ МАНБАИ

Мустақиллик байрами — бу қутлуғ кун шукуҳи неча йил ўтса ҳамки қадрини йўқотмайди. Тириклик қадар мангу давом этади. Халқимизнинг, ота-боболаримизнинг кўп йиллик орсуси ушланганига — Ватанимиз озодлигини қўлга киритганига ҳам 29 йил бўлди. Мустақил ўтган йиллар сарҳисоби беҳисоб ва мазмунли. Биргина кейинги, хусусан, синовли 2020 йилда амалга оширилаётган чора-тадбирлар қўламли ҳам гўят кенгдир. Иқтисодий тармоқлари — хусусий тадбиркорлик, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, савдо-сотиқ каби йўналишларда янги механизмлар жорий этилди. Аҳоли турмуш шароитини яхшилаш мақсадида оилавий бизнес, хунармандчилик, томорқачилик, хуллас, бир оила яхши яшаши, ўзини тиклаб

олиши зарур бўлган барча йўналишларда катта имкониятлар берилди. Солиқ юки енгиллаштирилди. Бу йил халқимиз учун синовли келди. Табиий ва техноген офатлар, пандемия шароитида халқимиз жипслигини кўрсатди. Бу бало-қазоларни оқилона, аниқ ва пухта ўйланган чора-тадбирлар туфайли енгиб ўтмоқдамиз.

— Биз қандай таҳликали ва суронли даврларни бошимиздан кечирмайлик, қандай ютуқ ва натижаларга эришган бўлмайлик, мустақиллик ғояси, истиқлол руҳи бизга доимо тоғдек таянч бўлмоқда. Бугун чексиз ифтихор билан айта

оламизки, донишманд халқимизнинг узоқни кўра олиши, бирдамлиги ва фидойи меҳнати билан барча синовлардан муносиб ўтиб келмоқдамиз. Шу нуқтаи назардан, бизнинг инсоний қадр-қимматимизни, ғурур ва шаънимизни, дину диёнатимизни, миллий давлатчилигимизни тиклаб берган Мустақиллик куни Ватанимизнинг шонли тарихида ҳамisha энг ёрқин саҳифа бўлиб қолади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари кейинги йилларда тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйилаётгани, янги бир уйғониш — Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилаётганини қайд этди. Бу борада, ҳеч шубҳасиз, юртимизда ёш авлод таълим-тарбияси, илм-фан равақи йўлида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётгани, ўқитувчилар обрўси йил сайин юксалиб, таълим сифати яхшиланаётгани муҳим омил бўлмоқда. Шавкат Мирзиёев қўшама дастур ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда пандемия оқибатларини юмшатиш борасида кўрсатган ёрдاملари учун Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислот тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё инфратузилма инвестициялар банки ва бошқа ташкилотларга миннатдорлик билдирди. Халқимизни Мустақиллик байрами

билан қутлаётган ҳамкор давлатлар халқларига тинчлик-омонлик ва фаровонлик тилади.

— Ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги керак: қанчалик қийин бўлмасин, қанча маблағ ва имконият талаб этилмасин, Ўзбекистоннинг биронта фуқароси ўз холига ташлаб қўйилмайди, — дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Карантин чекловларига қарамай, Ўзбекистонда саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш ишлари изчил давом эттирилди. Корхоналар белгиланган режаларни

бажармоқда. Йил бошидан буён 9 миллиард долларлик маҳсулот экспорт қилишга эришилгани фикримиз далилидир. Бу йил республикамизда биргина саноат соҳасида умумий қиймати 11 миллиард доллар бўлган лойиҳалар ишга туширилиши қайд этилди. — Мен турли синов ва курашларда тобланган, иймон-иродаси мустақам халқимизнинг ақл-заковати ва азму шижолига ишонаман. Мана шундай буюк инсоний фазилатлар соҳиби бўлган, айниқса, бугунги синовли кунларда ўзининг матонати ва ҳамжиҳатлиги билан чинакам жасорат кўрсатаётган қаҳрамон халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан бош эгиб таъзим қиламан, — деди Шавкат Мирзиёев. Ўзбекистонда Мустақиллик байрами тадбирлари давом этмоқда.

Улуғбек АСРОПОВ,
ЎЗА мухбири

БУ ЙЎЛЛАР ҲАРАКАТНИ ҲАМ, ИҚТИСОДИЁТНИ ҲАМ, ҲАЁТНИ ҲАМ ТЕЗЛАШТИРАДИ

Одамларимиз ҳам, меҳмонлар ҳам йўлга қараб давлатга баҳо беради. Йўллар яхши бўлса, халқимиз рози бўлади. Шунинг учун бундай сифатли йўлларни ҳудудларда ҳам қуриш, қишлоқ йўлларини ҳам ўзгартириш керак.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Йўллар — тарих жуғрофияси. Кўҳна Сурхоннинг Заруатсойи ва мақбаралари, қадимий Қашқадарё, Шахрисабз манзаралари, Тошкентнинг Қанқа, Бинкат, Ҳазрати имом, Ҳалифа Усмон муҳсафи, Хоразм, Ичанқалъа, Қорақалпоғистон қалъалари, Самарқанд, Афросиёб, Регистон, Бухоро мезморий ёдгорликлари, Кўқон ўрдаси, Риштон, Аҳмад Фарғоний, Сирдарё Сардобаси, Темирийлар дарвозаси, Қозғоғистондаги Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси, Сайпантас, Қирғизистондаги Сулаймонтоғ, Саймапотиш петроглифлари, Тожикистондаги Саразм, Ломор тоғлари, Туркменистондаги Кўҳна Урганч, Ниса — Марвнинг гўзал масканлари...

Президентимизнинг ғояси асосида чизилган мазкур асл тасвирлар “Туркистон” метро бекатини безаб турибди. Бу ерга кирган ҳар бири киши қадим Туркистоннинг ноёб обидаларига нигоҳи тушар экан, қон-қардошлик, оға-иниликнинг азалий илдизлари бениҳоят тэранлигини ҳис этади.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 7 ноябрдаги қарорига мувофиқ, Тошкент метрополитени Юнусобод йўналишининг иккинчи босқичи қурилиши бошланган эди. Лойиҳанинг умумий қиймати 103,8 миллион доллар бўлиб, қарийб 3 километр метро йўли ҳамда “Юнусобод” ва “Туркистон” бекатлари барпо этилди. Йўналишининг биринчи босқичи қурилиши 10 йилдан ортиқ давом этган бўлса, иккинчи босқичи қарийб 2 йилда тугалланди.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, Президентимизнинг мазкур масалага реал ёндашуви ва белгилаб берган муҳим вазифалари бўйича олиб борилган ишчи ишлар натижасида пойтахт жамоат транспорт тизимининг концептуал ечимни юзага келди. Узунлиги қарийб 55 километр, 35 та бекатдан иборат Тошкент ер усти ҳалқа метро линияси ана шу ғоянинг жон томири ҳисобланади. Унинг биринчи босқичи — “Дўстлик-2 — Кўйлик” йўналиши мустақиллик айёми арафасида фойдаланишга топширилди. Метронинг ушбу участкасида 7 та бекат барпо этил-

ган. Янги йўналишнинг узунлиги 11,5 километр. Фарғона йўли кўчасида амалга оширилаётган таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари жаҳон андозаларига тўла жавоб беради ва бу лойиҳа ҳам тез орада йўловчилар узогини яқин қила бошлайди.

Президентимиз жорий йил 29 август кунини давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, меҳнат фахрийлари ҳамроҳлигида Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишар экан, бу йўллар ҳамма нарсани, ҳаракатни ҳам, иқтисодиётни ҳам, ҳаётни ҳам тезлаштиришини алоҳида эътибор этди.

Яшнобод туманидаги Қорасув канали бўйида қурилаётган “Ассалом, соҳил!” турар жой мажмуасидаги кўп қаватли уйлар, мўъжаз сайилгоҳлар, бетақдор кўринишдаги таълим муассасалари, соғломлаштириш ва дам олиш объектлари ҳаётга, келажакка иштиёқни оширади. Давлатимиз раҳбарининг тавассиисига биноан, эндиликда бундай уйлар, иншоотлар қуришда энг замонавий технологиялардан фойдаланилади, энг ўқимишли, уста қурувчилар ишга олинади.

2020 йил 29 август. Ўзбекистон мустақиллигининг 29 йиллиги арафаси. Бу сана Ўзбекистон саноати тарихида муҳим тарихий кун сифатида муҳрланб қолади. Президентимиз рамзий тугмани босиб, “Технопарк” мажмуасида “Samsung” бренди остида маиший совутичлар ишлаб чиқариш корхонаси фаолиятига старт берди.

Корхона йилига 1 миллион дона совутич ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу нафақат юртимиз, балки МДҲ давлатлари аҳолисини ҳам замонавий, сифатли маҳсулот билан таъминлаш имконини беради. Умуман олганда, собиқ авиасозлик заводи ўрнидаги 101 гектарлик майдонда жойлашган “Технопарк” да яқин келажакда 17 та йирик лойиҳа амалга оширилади ва замонавий корхоналарда ўн мингдан ортиқ иш ўрни яратилади.

РУҲИМ БАЛАНД, ЧОПҚИР ВАҚТДАН ЎЗГАНДАЙМАН



Саъдулла ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон
Журналистлари ижодий
уюшмаси раиси

Кўнгли озодлиги ҳар бир шахс тақдирига, Ватан мустақиллиги бутун миллат тақдирига дахлдор масала. Озодлик, эркинлик каби неқбин туйғулар аввало оилада ҳар инсон қалбиди, руҳиятида томир отиб, Ватан бағрида, жамият орасида қуртак отади, гуллаб-яшнайдди, мева беради.

Ота бир тул тут экса неча авлод марварид теради, деган гап бор. Шунга ўхшаш, бугун бутун мамлакатимизни миқёсида амалга оширилаётган яратувчилар ишлари — қад ростлаётган иморатлар, иншоотлар, боғу роғлар неча-неча авлод корига ярайди

Биз тенги ёши улуглар бугун 29 йиллиги нишонланаётган Энг улуг, энг азиз байрамимизнинг илк йилларини яхши эслашади. Уша даврдаги байрам шукуҳи энди тақдорланмайдди, албатта. Бир асрдан зиёд истибоддан сўнг насиб этган озодлик байрамнинг наҳидаси, хурсандчилиги айрича маҳобатли эди уша вақтлар. Кейин-кейин бундай шодиналар

ёнига Ватанимиз мустақиллигининг яратувчилар салоҳиятини намойиш этувчи хурсандчиликлар кўшили борди: байрам арафасида янги турар жойлар, саноат корхоналари, маданий-маиший бинолар қуриш анъанасига кирди. Бу моҳият-этиборан тўғри эди. Сўнги йилларда эса бу анъана бекиёс қўлам, йил-ўн икки ой мунтазамлик касб этди. Бунёдкорлик оммавий тус олди. Ҳар бир инсонни иззатини жойига қўйиш, қадр-қимматини эъозлаш, яъни одамларни рози қилиш, уларнинг ҳаётда ташвишлари билан яшаш ва бу жараёнга уларнинг ўзларини жалб этиш, ҳар бир инсондаги илмий-ижодий, тадбиркорлик хислатларини юзага чиқариш умумхалқ ҳаракатига айланди. Янги дунёқараш билан яшаётган одамлар мамлакатимиз ва дунё аҳли кўз ўнгига янги Ўзбекистон киёфасини ярата бошладилар. Халқимизнинг яратувчилик қудратини ўзида муҷассам этган Тошкент метрополитени бундан қирқ уч йил аввал ишга тушган бўлса, уша пайтда бу ер ости иншооти Марказий Осиёда ўзи бир мўъжиза бўлган. Бугун бу мўъжиза энди ер устида ҳайратга солмоқда.

Мен тоғ қишлоғи Гарашада катта бўлганман, болалигимдан от миниб ўсанман. От минсангиз, бамисоли чўққига чиқиб олгандай ўзингизни юксак ва мағрур ҳис этасиз. Не бахти, ердан бир от эмас, балки икки от бўйи баланд ер усти метросининг ёруғ ва шинам вагониди кезар эканман, айнан уша ҳолатни ҳис этгандай бўлдим. Теваврак-атрофни томошо қила туриб, бундай “замонавий тулпорлар” пойтахтимиз ёқалаб чопайтганидан бир ҳисса мамун бўлсам, эндиликда ҳар бир тошкентлик шундай қўлай имкониятдан фойдалана бошлаганини кўриб, икки ҳисса хурсанд бўлдим.



Осмонларда учгандайман,
бир қарасам,
Бир қарасам, ер юзида
кезгандайман,
Чиқиб олиб, ер устида
метросига,
Руҳим баланд, чопқир
вақтдан ўзгандайман!



Президентимиз ўз фаолиятига киришгач, қилиниши керак бўлган биринчи навбатдаги ишлар қаторида Юнусобод метросининг битмаган бекатларидан иккитасини қуриб тугатиш ҳақида топшириқ берди. Орадан кўп ўтмай, чала қолган иншоотда ҳаракат бошланиб кетди.

ЮНУСОБОДНИ БИР КЕЛИБ КЎРИНГ, МАМНУН БЎЛАСИЗ!



Муҳаммаджон КҲУРОВ,
педагогика фанлари доктори,
профессор

Ўшанда қилинган орау ушаладиган кун етиб келди. 340 мингдан ортиқ юнусободлик мустақиллигимизнинг 29 йиллигини ҳеч қачон унутмайдиган бўлишди. Чунки автобусларда сиқилиб, қийналиб, тирбандликларга кўниб қолган юнусободликларнинг кўкраклари “хайрият”, деб ҳаққирди. Хайқирди. Салкам 20 йиллик консервацияда ётган метрога жон келди. Юнусобод йўловчи транспорт артериясига қон келди.

Юнусобод линиясининг биринчи босқичи 10 йилдан ортиқ вақтда қурилган эди, дейишди юнусободликлар. Президентимизнинг доимий, талабчан эътибори қаратилди. Эски технологиялардан воз кечилди. Дунёда бор энг зўр ер қазих технологиялари келтирилди. Мана, иккинчи босқич икки йилда қурилди. Қилса бўлар экан-ку!

Бугуннинг қадрини баҳолаш учун кечаги кунни эслаб қўяйлик. Автобусларда ноқулайлик, тирбандлик йўловчилар учун оддий ҳол бўлиб қолган эди. Метро линияси Шахрисабзга келиб тўхтаб қолган эди. Одамлар метрога келай

деса, Шахрисабзга келиб, кейин яна автобус, таксига ўтиришга мажбур эди. Бу вақтни ҳам, нақдани ҳам беҳуда йўқотиш эди-да. Натижада йўловчилар бирийўла автобусларга ўтиришар, метрога кам тушишар эди. Одам камлиги оқибатида эса метро йиғирма йил давомида анчагина иқтисодий зарар қўриб келаётганди.

Мана, энди кўринг Юнусободни, юнусободликларни! Янги метросида, олти полсалли йўлларида, йўлаклариди юринг Юнусободнинг! Ҳам вақтдан, ҳам нақддан ютасиз. Дунёдаги энг хавфсиз, экологик тоза, арзон, гўзал транспорт уларнинг эшиклари тағида, хизматга шай турибди.

Пойтахтнинг истаган жойига ором олиб етиб борасиз. Ер остидан ер устига чиқиб кетасиз. Бунинг сурурини 2020 йилнинг 30 август кунини минглаб тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонларида кўрдик. Болаларига метро жипларини, нақшу нигоҳларини кўрсатиб, селфи суратга тушаётган ота-оналар, Кўйлик бозорида тўлиб-тошиб қайтаётган ўй бекалари, ҳамма мамнун. Бу мамнунлик боиси иккита эди. Бири — мустақиллик байрами, иккинчиси — шу мустақиллик туфайли ўз хомашэмиз, ўз қўлларимиз билан бунёд бўлган янги линия, ишга тушган бекатлар.

Президентимизнинг беш муҳим ташаббуси доирасида қўлпал тўғарақлар ишламоқда. Илгари юнусободлик болалар Тошкентдаги ўзлари истаган тўғарақларга боришга бироз қийналишар эди. Бу ҳам бўлса, йўл азоби. Автобуздан автобусга алмашинлар, қутишлар болаларни ҳам уларнинг ота-оналарини ҳам толиқтирар эди. Мана, энди болаларимиз ўзлари танлаган тўғарақларга қизиқлаб бориб келаверишади.



ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИНИНГ
ЮНУСОБОД ЙЎНАЛИШИНИНГ
ИККИНЧИ БОСҚИЧИ

Лойиҳанинг умумий қиймати **103,8 МИЛЛИОН** доллар бўлиб, қарийб **3 КИЛОМЕТР** метро йўли ҳамда “Юнусобод” ва “Туркистон” бекатлари барпо этилган.

Бу транспорт тармоғи иқтисодиёт ва экология жиҳатидан улкан аҳамиятга эга. Хусусан, мазкур икки бекат орқали кунига **7,5 МИНГ** йўловчига хизмат кўрсатилади.

Натижада автобуслар йўналиши оптималлашиб, автобиллар тирбандлиги камайдди. Йилига **5,3 МИНГ** тонна зарарли газ атмосферага чиқишининг олди олинади.

Тошкент метрополитенидан кунига **240 МИНГ** йўловчи фойдаланади.

ТОШКЕНТ ЕР УСТИ ҲАЛҚА МЕТРО ЛИНИЯСИНИНГ БИРИНЧИ БОСҚИЧИ

Метронинг ушбу участкасида **7 та бекат** барпо этилган. Янги йўналишнинг узунлиги **11,5 километр**.

Ер усти метрополитен халқа йўли “Дўстлик-2 — Кўйлик” бекатлари фойдаланишга топширилгани ҳисобига **225 та** янги иш ўрни яратилган. Лойиҳа тулиқ фойдаланишга топширилгач, кунига **46 мингта** йўловчи ташилиши режалаштирилган.

Лойиҳа беш босқичда амалга оширилмоқда. Умумий узунлиги **54,8 километр**, **35 та метро бекати**, **2 та депо** ва **1 та техник кўрик пункти** қурилади.



ШУ КУНЛАРГА ЕТКАЗГАНИГА ШУҚР

Мухторжон АҲМЕДОВ,
меҳнат фахрийси

Юнусобод туманидаги **15-мавзед** аяшаётганимизга **45 йилдан** ошди. Унинг кейинги **15 йилини қачон бизга ҳам метро етиб келар экан**, деган орузда ўтказдик.

Бунинг устига, кўчалар тор, қаровсиз, ораликдаги жойлар чакалқор, болалар ўтса қўрқадиган, ҳатто кучуқлар боқиладиган жойга айланб қолган эди.

Яратган эгамга шуқр, ҳадиқларимиз кетиб, йўлларимиз жуда қисқа фурсатда равон, ёруғ ва обод бўлди. Метро бекатининг мавземизгача етиб келгани нур устига аъло нурдир. Бу ҳар биримиз, айниқса, фарзандларимиз учун кенг имкониятлар яратиб беради. Энди улар шаҳар ўртасидаги кутубхонага ёки спорт машғулотига қандай бориб келади, деб ҳадиқсираб турмаймиз. Метро ҳар тарафлама қўлай, хавфсиз ва арзон.

Мана, бугун неварам билан метрога тушдик. Икки бекатни худди санъат саройида сайр қилгандай айланб чиқдик. Бундай қошоналар ҳеч бир мамлакатда бўлмаса керак. Айниқса, бизнинг бека-

тимизда бўлган киши қадимий Туркистоннинг олис тарихини, бетақдор обиди ва мақбараларини зийрат қилгандай бўлади. Замонавий қўлайлик ва ёрқин ранглар жипосидан ҳайратим ошди. Бу бекатлар манзилларимизни яқин қилган ҳолда маданий-маърифий сабоқ беради, десам ҳеч бир янглишмаган бўламан. Метронинг янги бекатлари, равон ва атрофи обод йўллар юнусободликлар учун мамлакатимиз мустақиллигининг 29 йиллигига жуда катта соғва бўлди. Бу ҳозирги оғир, синовли кунларда юртимизнинг куч-қудратини ва давлатимиз раҳбарининг инсонпарварлигини яққол кўрсатиб турибди.



БУ ЙўЛЛАР ҲАРАКАТНИ ҲАМ, ИҚТИСОДИЁТНИ ҲАМ, ҲАЁТНИ ҲАМ ТЕЗЛАШТИРАДИ



Охирги йилларда Тошкент ўзгарди. Пешона теримиз билан ўзгартирдик. Минг қатла шукр, қўлимиз узун, ҳамма нарсамиз етарли. Бағримиз кенг бўлиб, Худодан сўраб ҳаракат қилсак, дуо олсак кам бўлмаймиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

АССАЛОМ, ЯНГИ ҲАЁТ — АССАЛОМ, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН!



Минхожиддин МИРЗО,
Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари

Аввало, Яшнобод туманида бир пайтлар эски пана-пастқам уйлар ўрнида қад кўтарётган кўп қаватли замонавий турар жой мажмуаси қурилиши жадал олиб борилаётган ҳудуднинг янги номи эътиборимни тортди: "Ассалом, соҳил!" Қувонганим, бу номнинг мен учун "истараси иссиқ" лигию юракка яқинлиги бўлди.

Ҳар қадамда юрак тўлқинланади. Халқимизнинг "Сен ҳаётда ҳар қанча қийин синово ва заҳматларга дуч келмагин, умид ва ишонч билан Яратгандан мадад тилаб, белингни улуғ бир ишни кўзлаб боғласанг, албатта, кўзлаган ниятингга етасан, парвардигорнинг ўзи куч-қувват, барака, унум беради!" деган сўзлари нақадар тўғри эканини дилдан ўтказдим. Оғир вазият: бир ёнда халқнинг, миллатнинг омонлиги учун кураш, бир ёнда унинг бахти-саодати, фаровонлиги учун кураш! Ҳа, бунёдкорликнинг бу нишонлари эзгуликнинг, янги ҳаёт, келажакка бўлган ишончнинг тантанаси. Устоз адиблар, олимлар, ёш шоирлар билан "Ассалом, соҳил"ни айланамиз. Осмонлар қанчалар, озода ишчи кийими кийган қурувчилар, ишнинг шиддати эътиборимизни тортади. Яна бир жиҳати, бу жой асло қурилиш майдонига ўхшамайди, покиза, ортиқча қурилиш ашёлари, чиқинлар йўқ. "Шунақа қилиб ҳам уй курса бўларкан-ку!" деган ўй ўтади хаёлимдан.

Муаллифлик технологиясига асосланган янги турдаги бу қурилиш ҳақидаги энг муҳим саволларимизга қониқарли жавоблар олдик. Бу биноларнинг аввалги уйлардан афзал жиҳатлари бизни қувонтирди. Муҳими шунда эдики, бино фасади 3 та қопламадан иборат бўлиб, хонадонларнинг қишда илқ, ёзда салқин туришини таъминлайди. Ҳар бир хонадон модул типидидаги алоҳида иситиш қозонига эга, видеокузатув тизими, юқори технологияли ёнғин хавфсизлиги ускуналари билан жиҳозланган бўлиб, у 9 баллдан юқори амплитуддаги сейсмик чидамликка эга. Яна бир янгилиги шундаки, ҳар бир хонадон тўлиқ таъмирланган ҳолда, газ плитаси, ошхона гарнитуриси ва сантехника буюмлари билан жиҳозланган бўлиб, кўчиб келиш учун тайёр ҳолда топширилади. Маъмура ҳудудида дўконлар, кафе ва рестороанлар, спорт майдонлари, шинам дам олиш жойлари, амфитеатр ва болалар ўйин майдончаси, кўнгилчор савдо маркази, болалар боғчаси ва мактаб барпо этилиши унинг афзаллиқларини янада оширади.

Қурувчиларнинг шовқин-сурон, чанг-тўзонсиз бир тартибда ишлаши, унинг шиддати кишини қувонтиради. Кечагина ўтганинда текис турган яланг майдонда бугун кўп қаватли бинолар қад ростлаб турибди. Қарангки, 2021 йил охиригача бу ерда 3 236 хонадонли 22 та уй-жой қурилади. Улардан 16 таси 9 қаватли, 4 таси 9-12 қаватли, 2 таси эса 14-16 қаватли уйлар бўлади. Бундан ташқари, 58 та коттеж ҳам барпо этилади.

Бизни тайёр, намуна учун жиҳозланган хонадонларга тақлиф этишди. Остона ҳатлаб кирар эканмиз, қувончдан кўзларимиз ёлқинланди. Кириш йўлагидан тортиб, ошхона, болалар хонаси, меҳмонхона, гардероб, ювиниш хоналари, уларга мос жиҳозларни қўриб, йиллар давомида кўч-кўронимизни кўтариб қанча уйларга кўчиб ўтганимиз, бу жараёнда бор жиҳозу мебелларимиз аборг ҳолга келганини эсладим. Бу уйларга шундай қалитни оласан-у, "Бисмилло..." деб шукрона билан қадм қўясан. Ҳамма нарса жой-жойида, шинам, ёруғ, дид билан безатилган. Ташқи томондан ҳам кўркамлигини айтмайсизми?

Подъездларнинг чиройли ва покизалигидан пойабалининг кўча остонасидаёқ ечиб киринг келади. Ичимда бир сўзни такрорлайман: "Бўлар экан-ку!" Ҳа, астойдил ҳаракат қилинса, барча ниятлар ижобатига эришиш мумкин. Бизнинг халқимиз, фарзандларимиз ҳам шундай уйларда яшашга муносиб. Тўғри, ўтган йиллар давомида ҳам кўп чиройли уйлар қурилди, аммо уларнинг аксарияти бадавлат одамлар учун эди. Эндиликда ҳамёнбон,

имтиёзли, узоқ йиллик кредитларга олиш мумкин бўлган уйлар қанчалар харидорғир бўлаётганини кўриб турибмиз.

Ҳа, бу бугун инсон қадрли улуғланаётган, одамийлик ва халқ ризолигига эришиш устуворлик касб этган, чинакам демократик кадрлар буй кўрсатаётган, тамомила янги миллий давлатчилик тизими шаклланаётган Ватанимизга мос қадам давлатимиз раҳбарининг "Халқимиз эртага эмас, бугун яхши яшashi керак", деган ниятининг яна бир амалий ифодаси эди.

"Ассалом, соҳил!" кун давомидаги ҳайрату таассуротларим, дилда улғайган ғурур ва ифтихорим саёҳатимиз сўнгида юрагимда ўзгача акс-садо берди: "Ассалом, янги ҳаёт — ассалом, янги Ўзбекистон!"

"АССАЛОМ, СОҲИЛ!" ТУРАР ЖОЙ МАЖМУАСИ



Ушбу мажмуа 22 та кўп қаватли уй, 58 коттеж, мўъжаз сайилгоҳлар, яшил майдончалар, антиқа дарактлар, гуллар, бетакрор кўринишдаги таълим муассасалари, соғломлаштириш объектларини ўз ичига олади.

Мажмуани "GOLDEN HOUSE" компанияси қурмоқда. 16 та 9 қаватли, 4 та 9-12 қаватли, 2 та 14-16 қаватли уйда 3236 хонадон бўлади. Барчадан босқичда ил охирига қадар 6 та 9 қаватли уй фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.



Мунаввара УСМОНОВА,
"Саодат" журнали бош муҳаррири

Одам боласи уйнинг остонасидан чиқиши билан уни йўл қарши олади. Йўл уни мақсад манзилларига олиб кетади, йўл унинг ҳаяжонлари, интилишлари ҳамроҳлик қилади. Агар она Ўзбекистонимизни истиқлолдан куч-қувват, нафас олиб яшаётган жонли, улкан бир вужудга киёсласак, йўллар эса бу жисмнинг қон томирларидир.

Тошкент шаҳрининг Аҳмад Дониш кўчасида амалга оширилган қурилиш ва ободонлаштириш ишларини бориб кўрдик. Илгари ҳам бу кўчалардан кўп

МАНЗИЛГА ЭЛТГУВЧИ ЭНГ ЁРУҒ ЙўЛДАМИЗ

марта ўтганман. Аммо бугунги манзарадан ҳаммамиз хайратга тушдик. Кўча ўртасидаги яшил ҳудуд ва кўча бўйларидидаги азим дарактлар сақлаб қолинган. Йўл четларида манзарали даракт кўчатлари гуркираб турибди. Пиёдалар ва велосипед йўлакчалари, майсазорлар ташкил этилган. Чарогон ва кенг кўчалар шаҳримиз кўрғига кўрк қўшиб турибди.

Тошкентнинг Фарғона йўли кўчасида амалга оширилаётган таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини кўриб кўнглимиз осмон қадар юксалди.

Туркиянинг "Kalyon" ширкати билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган лойиҳага асосан, 8 қаторли янги автомобиль йўли қуриш, 2 қаторли мавжуд йўлни реконструкция қилиш, энергия тежамкор ёритиш мосламалари ўрнатиб, пиёдалар ва велосипед йўлакчалари, майсазорлар ташкил этиш режалаштирилган.

Яшнобод туманидаги кўп тармоқли "Технопарк" мажмуасида "Samsung" бренди остида маъмурият соғлиғини ҳақ қўлуғ байрамимизга муносиб тўёна бўлди.

2019 йил 10 августда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан асос солинган, собиқ авиасозлик заводи ўрнидаги мазкур ишлаб чиқариш мажмуасида 17 та йирик лойиҳа амалга оширилиши мақсад қилинган. Улар-

нинг биринчиси 2020 йил февраль ойида ишга туширилиб, электрон газ ҳисоблагичлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. Бу йил мажмуада лифт ва эскалаторлар, сув насослари, кир ювиш машиналари, витрина совутичлари ва музлаткичлар ишлаб чиқариш лойиҳалари ишга туширилиб режалаштирилган. Шунингдек, логистика маркази қурилади. Бу ердан мажмуотларни тўғридан-тўғри хорижа экспорт қилиш мумкин бўлади. "Технопарк" ҳудудидаги барча лойиҳалар ишга туширилиши билан 10 мингдан зиёд аҳоли доимий иш билан таъминланади. Энг аҳамиятлиси, ишчи - хизматчиларнинг 65 фоизи хотин-қизлардан иборат бўлиши кўзда тутилган. Ҳар бир хонадон бекаси музлаткич ва кир ювиш машинасини ўз мулки ҳисоблайди. Оғирини енгил қилиб, қорига яраган бу рўзгор жиҳозларини асраб-авайлайди. Уларнинг яратилишида хотин-қизларнинг қўли бўлса, янада нафис, янада чидамлик бўлиб дунёга келиши аниқ.

Қалам ҳам, қоғоз ҳам аслида ҳақиқат жарчи, ҳақиқат ялови. Она Ўзбекистонимизда тинчлик барқарорлиги, кадрларнинг барқарорлиги, меҳнат шарафи, адолат тантанаси йўлида қадам ташлаётган пок ниятли инсонларга ҳамроҳлик. Ният тоза, қадамлар шаҳамд бўлса, албатта, юртимиз обод, кўнгилларимиз шод бўлишига ишончимиз қомил.

УЗОҒИМИЗ ЯҚИН, ОҒИРИМИЗ ЕНГИЛ Бўлди

Моҳим УМАРОВА,
маҳалла фаоли

Метро Қўйликқача бориши ҳеч кимнинг хаёлига келмаган иш эди. Яқинроқ манзилга бориш учун ҳам 1-1,5 соат вақтимиз кетарди. Узоқ муддатгача автобусларни кутиб қоладик.

Аҳоли кўп боргани боис, Қўйликқача қатнайдиغان транспорт воситалари доим текилчин бўлар, бу эса одамларга кўп вақт оқибатини тўқдиради. Шу боис, янги метро станциялари очилиши кўпчиликнинг кўнглидаги иш бўлди. Энди ушбу ҳудудларга ҳаво совутичларга эга вагонлар атиги



15 дақиқада етиб борамиз. Бекатларнинг ўзи ҳам ниҳоятда шинам, замонавий. Йўловчилар учун барча шароитлар яратилган. Уларнинг атрофи кўкаламзорлаштирилди. Бундан икки йил олдин бу жойлар ташландиқ бўлиб ётарди. Ҳозир эса инсонлар маънавий озиқа оладиган, дам оладиган масканга айлантирилди. Бир сўз билан айтганда, Қўйлик ҳам шаҳар марказига айланди.

Энг муҳими, аҳолининг узоғи яқин бўлди. Бунинг учун халқимиз давлатимиздан бехад миннатдор.

ЕР УЗРА СУЗАЁТГАН ПОЕЗД КАРВОНИ



Рустам МУСУРМОН,
Қорақалпоғистон халқ шоири

ғояни ўзида бадий шаклда ифода этиб турибди.

Айниқса, Қўйлик мавзесида олиб борадиган Тошкент ер усти халқа метросининг "Дўстлик-2" Қўйлик" йўналишидан ниҳоятда ҳайратландим. Болалигимда фантастик асарларни, тасаввур қилиб бўлмайдиган хаёлий машиналар, техника воситалари ҳақидаги китобларни ўқишни яхши кўрдим. Замонлар оша сайр этадиган вақт машинаси, осмонларда юрадиган поездлар ҳақида ўқиганимда ниҳоятда ҳаяжонланар, ўшандай машиналарга, осмон остида учётган поездларга минишини орзу қилар эдим. Таъбир жоиз бўлса, болалигимдаги ўша орзуларим бугун янги Ўзбекистоннинг "Афросиёб"дек тез еладиган поездлари, ер устида осмонга қараб учётгандек тасаввур уйғотадиган ер усти метроси мисолида рўёбга чиқди.

Ҳа, яшил майсазор ва дарактзор орасида пештоқига "Дўстлик-2" деб ёзиб қўйилган фасади ганж уймакорлиги услубида, юлдузлар шаклидаги зумрад панжаралар билан безатилган метро бекатига киримиз. Кираверим замонавий компьютер техникаси воситасида жиҳозланган, худди денгиз бўйидаги бандаргоҳга чиққандек перронга чиқасиз, вагонлари бир-бирига ула-ниб кетган яп-янги поезд келиб тўх-

тайти. Вагон ичига кирсангиз нақадар роҳат. Поезд жилади. Ўзингизни худди ҳавода сузаётгандек ҳис этасиз, вагон ойналаридан ташқарига қарасангиз, ер усти темир йўлига йўлдош йўналишдаги автомобиль йўли анча пастда кўринади.

30 август кун ишга тушган метронинг йўловчилари бўлган юртдошларимиз ёш боладек тўлқинланди, вагон ойнасидан ташқарига қарашади, телефонда расмга туширишади. Кўпчилик Қўйлик бозорига бориш учун эмас, янги метродан сайр этиш учун вагонларга чиқишган.

Тўғриси айтганда, шаҳар марказидан Қўйликқача бориш йўл узоқлигидан ниҳоятда ноқулай эди. Таксига айтсанг, фалон пул дейди. Метрогача бир амаллаб етиб олсам бўлди, деган ўй меннинг ҳам жуда кўп бора хаёлимдан ўтган.

Мана, энди Ватанимиз давлат мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан метронинг ўзи Қўйликқа борди. Энди янги метро қисқа вақтда йўловчиларни Қўйликқа етказиб қўяди. Бу темир йўл қурилиши пойтахтимиз хусни жамолига олтин узукка гавҳар кўз қўйгандек ярашиб тушди. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз муносабати билан давлатимиз халқимизга мана шунанга бебаҳо соғва ҳада этди. Бундай мўъжизаларнинг гувоҳи бўлганимиздан кейин юрагимизда фахру ифтихор жўш уради, дилингиздаги шукроналик туйғуси тилингизга кўчади: Сен — кудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистони!



Ориф ТўХТАШ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Ҳаётдан мамнунлик ва шукроналик ҳисси кўнглини тозатиради, обод кўнгли эса кудрат отига минади. Айнан бугун мана шу каби ҳолатлар самараси кўз ўнгимизда намоён бўлаётди, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мамлакатимиздаги улкан қурилиш ва бунёдкорлик ишлари натижаси обод манзиллар, равон йўллар, бир-биридан гузал бино ва иншоотлар манзарасида буй кўрсатаётди. Айниқса, оғир пандемия шароитида одамлар ҳаётини фаровон, узоғини яқин қилиш, иқтисодий тараққиётни тезлаштириш мақсадида янги транспорт объектлари, йўллар, замонавий йирик корхоналар барпо этилаётгани ҳақиқий қаҳрамонлик, аслида.

ҲАЙРАТ ШАҲРИ

Ватанимиз мустақиллигининг 29 йиллиги арафасида юртимиз юраги бўлиши азим Тошкент шаҳрида фойдаланишга топширилган бир қатор янги объектларни қўриб, кузатиб ҳайратга тушмасликнинг иложи йўқ. Президентимиз таъкидлаганидек, бош кентимиз кун сайин кенгайиб, аҳоли сони ҳам ошиб бормоқда. Бу эса, албатта, янги қўйликларни яратишга, иш ўринлари сонини оширишга, бир сўз билан айтганда, янги ҳаёт тарзини бунёд этишга ундайди.

Энг муҳими, бутун дунё пандемия билан курашиб, ҳаётини режаларини ҳам бир четга суриб қўйган паллада Тошкентдаги улуғвор ишларнинг барқарорлигини қўриб, кўнглингизда бир роҳат туясан киши. Тан олиб айтиш керак, мазкур улкан ишлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Катта заҳматлар эвазига барпо этилаётган барча янги лойиҳаларни ҳар биримиз ўз тасавури-мизда бир нуктага жамлашга бўлса, БУЮК МАҚСАДЛАР битигини ўқигандай бўламиз!

Аслини олганда, ободлик кўнглидан бошла-

нади. Обод кўнглилар обод манзилларни бунёд этиш ишчи билан яшайди. Пойтахтимиздаги бир қанча кўчаларнинг замонавий ҳамда барча талабларга жавоб берадиган ҳолга келтирилгани ва бундан худуд аҳолисининг мамнун кайфиятини кузатиб, "Барча яхши ишлар ниятга боғлиқ ва ҳар қимга ўзи хоҳлаган нарса берилди", деган ҳадис кўнглимиздан ўтади.

Биз эзу мақсадли халқимиз. Саломимиздан тортиб хайрлашув сўзларимизгача бир-биримизга яхшилик илинамиз. Азалий қадриятларимиз ўзаги бўлиб хизмат қилувчи ОБОДЛИК тушунчаси бизнинг одатий ҳаёт тарзимизга айланмоғи лозим. Айниқса, сўнги йиллардаги мисли қўрилмаган янги лойиҳалар, уй-жойлар, сановат корхоналари, шаҳримизни ўраб турган равон айланма халқа йўллар ва метро йўналишларининг юксак дид ҳамда миллий маҳорат билан яратилаётгани барчамизнинг кўнглимизни фахру ифтихорга тўлдирди. Шундай кўркам Ватанга мансуб эканидан ғурурланиб кетасан!

ЯШНОБОД ТУМАНИДАГИ КўП ТАРМОҚЛИ "ТЕХНОПАРК" ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАЖМУАСИ

Бу ерда 17 та йирик лойиҳа амалга оширилиши мақсад қилинган.

"Технопарк" ҳудудидаги барча лойиҳалар ишга туширилиши билан 10 мингдан зиёд аҳоли доимий иш билан таъминланади. Мажмуада "Samsung" бренди остида маъмурият соғлиғини ҳақ қўлуғ байрамимизга муносиб тўёна бўлди.

Корхона йилига 1 миллион дона совутич ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу нафақат юртимиз, балки МДҲ давлатлари аҳолисини ҳам замонавий, сифатли маҳсулот билан таъминлаш имконини беради.

Адиблар хиёбонидаги ўйлар

“ЮРТ ҒАМХЎРИ КЕРАК МЕНГА...”

Пойтахтимиздаги кунги кеча фойдаланишга топширилган янги ери ости ва ери усти метро линиялари, Ғалаба боғи, Адиблар хиёбони сингари мухташам мажмуалар, барча ҳудудларимизда қад кўтарайтган замонавий бино ва иншоотлар халқимизнинг улкан бунёдкорлик салоҳиятидан ёрқин далолатдир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Ғайрат МАЖИД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
раиси ўринбосари, шоир

Умр бўйи хизмат айла халқ учун

Янги Ўзбекистон... Янгиланаётган Ўзбекистон... Бугун мамлакатимизда кечаётган эзу ишлар, жумлаи жаҳоннинг эътибори ва эътирофига сазовор бўлаётган ислохотларни бир-бир қаламга олсак, неча-неча китоб бўлади. Биргина Адиблар хиёбони мажмуаси мамлакатимиз маънавий-маърифий ҳаётидаги чинакам улкан воқеадир. Пойтахтимизнинг қоқ марказида жойлашган бу маскан чинакамга улғун сиймоларнинг меросини теран ўрганидиган, ул зотлар ҳақида дуо қилиниб ёдга олинган, инсон қалбига маънавий-маърифий руҳ бағишлайдиган табаррук манзиллардан бирига айланган. Бу манзилга келган одам халқимизнинг улғун сиймолари билан ғойибона дийдорлашади. Улғун сўз салафларининг нафис мажлисларида иштирок этади. Бу маънавий суҳбат киши қалбига Ватанга, миллатга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини ҳеч қачон ўчмайди қилиб муҳрлайди.

Бу улғун сиймоларнинг ҳар бири ҳақида катта-катта достонлар, романлар, фильмлар ҳақда қилиш мумкин. Устоз шоирларимиздан бирининг ибораси билан айтиладиган бўлсак, бировни Ватан юксак-ка кўтарса, биров Ватанини юксакларга кўтарди. Назаримда, бу ердаги сиймоларнинг барчаси ҳам ҳар икки таъриф ва тавсифга муносибдир. Алишер Навоий, Бобур Мирзо, Оғаҳий, Бердақ, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Қодирий, Ойбек... Улар ўз миллати, халқи, пировардида Ватани учун қандай улғун хизматлар қилганини бир тасаввур қилиб кўринг. Ҳа, бу элнинг жаҳон тамаддунига улкан хизмат қўлган ана шундай фарзандлари кўп.

Шу кўпгина масканда ўзбек ва қорақалпоқ халқининг бирдай сеvimли шоири Бердақнинг ҳайкали ҳам бор. Бердақнинг ёрқин сиймосига боқаман. Ул зот гўёки “Бердимурод Ҳақнинг қўли, сахронинг сариқ бўлбўли”, “Бердимурод — Бердақ бўлди, мен ўз кўзим билан кўрдим”, “Умр бўйи хизмат айла халқ учун” деган сўзларни айтади, бизни ёрғу мақсадлар, тоза туйғулар ҳамда уйғоқ қалб билан яшаши даъват этаётгандек туюлади кишига. Бердақ ҳаёти ва ижоди ҳақида кўп ва хўб ёзилган. Бироқ бу улғун адиб ҳақида айтиш лозим бўлган сўзлар, ўрганилиши зарур бўлган тадқиқотлар ҳали жуда кўп. Бердақ бир катта баҳри уммондирим, унга тақдор-тақдор муражаат қилиб дуру жавоҳирлар топаверасан. Албатта, олимлар бу борада изланишлар олиб бориб, Бердақ ижодини бор буй-баста билан халққа кўрсатишади. Айни ўринда мен қорақалпоқ халқининг мухташам ижодий меросини юракдан севган, бу улғун сўзлар оламидан кўп бахралар олиб, шурига нур индирган бир ижодкор сифатида қорақалпоқ адабиётининг асосчиси — гултожи, улкан сўз санъаткори Бердимурод Қарғабой ўғли Бердақнинг кўнглим газнасига айланган мероси хусусида икки оғиз сўз айтиш истагимдан.

Навоийдан савод очдим

Қўлимда Ғафур Ғулум номидаги адабиёт ва санъат нашриёти томонидан 1978 йилда чоп этилган қизил муқовали китоб. Унга “Бердақ, Сайланма” деб ёзилган. Бу китобни устоз ижодкор, Ўзбекистон халқ шоири Миртемир домла нашрга тайёрлаган. Қорақалпоқчадан ўзбек тилига ўйрган. Табиийки, шундан кейин Бердақ бобонинг китоби бошқа таржимон, шоир, адабиётшунос олимлар томонидан ҳам тайёрланган, бир неча бор нашр этилди. Бироқ менга айнан Миртемир

домла тайёрлаган китоб жудаям қадридлидир. Бунинг боиси Бердақ деган улғун шоирни даставвал шу китоб орқали таниганимдан бўлса керак. Сайланма деб-дебасида Миртемир домла бундай ёзган: “Бердақ қардош қорақалпоқ халқининг оти ўчмас улғун шоири ва қорақалпоқ адабиётининг пойдевориға гишт қўйган улкан сиймодир.” Шу сўзларни ўқийман-у, хаёллар мени Ҳазрат Навоий сари бошлайдилар:

**Агар бир қаём гар юз, йўқса минадур,
Муайян турк улуси худ мениндур.**

Навоий бобомиз туркий тили халқларнинг барчаси учун сеvimли шоирдир. Туркий тили халқларнинг ҳар бири Навоийни ўз шоири каби эъзозлайди. Унинг асарларидан баҳраманд бўлишга астойдил интилади. Бир вақтнинг ўзига бир неча миллатнинг ўз шоиридек эъзозга, муҳаббатга сазовор бўлиш ҳазил гап эмас.

Биз буюк мутафаккир Ҳазрати Алишер Навоийни ғазал мулкнинг султони, ўзбек адабий тилининг асосчиси дея эҳтиром кўрсатамиз. Бу зот бутун ҳаётини сўзга бахшида айлади. Шу йўл билан аввало миллатига, пировардида бутун инсониятга ҳалол хизмат қилди.

Ўзбек халқи сингари турклар валий шоир Юнус Эмрони, озорлар ошқ қалам соҳиби Фузулийни, туркманлар Ҳазрат Махтумқулини, қозоқлар устоз Абайни, қорақалпоқлар эса халқларвар, мумтоз ижодкор Бердақни севишади. Уларнинг меросини фахру ифтихор билан ўрганишади, тарғиб қилишади. Яна бир гап, мен ҳозиргина эътироф этганим — ижодкорларни ўзбек халқи ҳам ўз миллатига мансуб шоир каби сеvim ўқийди. Бунинг боиси, аввало, туркий адабиёт илмлари бирлиги бўлса, сўнгра улғун сўз салафлари инсон қалбини, унинг орзу-мақсадларини қуйлаб ўтганларидир.

Катта қалбли ижодкорларнинг ўзидан олдин яшаб ижод этган сўз санъаткорларига, устозларга бўлган эҳтироми, муҳаббати доим юксак бўлиб келган. Улар ўз меҳр ва садоқатларини асарлари орқали айтиб кетишган. Назаримда, уларнинг буюклиги ҳам шунда. Бердақ ҳам замонасининг улғун сўз салафи сифатида Алишер Навоий, Фузулий, Мирзо Бедил, Фаридуддин Аттор, Махтумқули, Суфий Оллоев сингари Шарқ мутафаккирлари ижодини мукамал билган. Бердақнинг асарларида ана шу улғун устозлардан олинган таълим, билан, тажрибалар хусусида сўз боради:

**“Чоркибот”дан нари қочдим.
Навоийдан савод очдим.
Фузулийдан дурлар сочдим,
Донларни излар эдим.**

**Махтумқулини ўқиганда,
Айтар эдим ҳар замонда,
Нуксон борми беқлар анда,
Сўзин дилда сақлар бўлдим.**

Бу Бердақнинг машҳур асари — “Излар эдим” шеърининг сатрлар. Демак, сўз мулкнинг султони Алишер Навоий ҳақиқий маънода Бердақнинг адабиёт соҳасидаги илк муаллиמידир. Шоирнинг чуқур маънавий эҳтиёжи уни Навоийга, Фузулийга етаклайди, Махтумқулидан баҳра олишига ундайди. Навоийдан дуру гавхарларни терган Бердақ қорақалпоқнинг “Навоий” сита айланган, бугун унинг ижоди барча туркий халқлар адабиётида алоҳида ўрин эгаллаб турибди.

Бердақ ўзига устоз деб билган замондош шоиру оқинлар билан ҳам яқин муносабатда бўлган:

**Бориб сўзимни тинглатдим,
Нуксонларимни ўнгалтдим,
Икки ой уйда ётдим,
Улан завқин потган умрим.**

Завқ ҳисси одамзод қалбига муайян вақтда содир бўладиган ҳодиса. Муайян бир кунда, вақтда бу хис юракдан тошиб чиқади. Тасаввур қилинг, ушбу сатрларда шоирнинг бутун бир умри ўлан завқига бахшида бўлганини англаш мумкин. Шунингдек, Бердақ замонасининг атоқли сўз салафи Кунхўжадан ҳам кўп сабоқлар олган. Кунхўжа хузурида шеърларини “тинглатгани”, “нуксонларини ўнгалгани” шоирнинг сўзга масъулияти нақадар юкори эканига далилдир. Назаримда, унинг бу фазилати бугунги қалам аҳли учун ҳам ибрат. Ҳаётини ижод аталмиш улғун ишга бағишлаган кишилар мумтоз ва жаҳон адабиётини билиш баробарида замондош адибу шоирларнинг ҳам тажрибаларидан хабардор бўлиш жуда муҳим. Бердақ мисралари ҳам шундан гувоҳлик бериб турибди.

Яна бир муҳим сўз. Бердақ асарларининг тили содда, тушунарли. Халқнинг жонли тилига ҳамоҳанг. У кўнглида тугилган мисраларни бўяб-бежаб ўтирмайди. Дарду армонлари, орзу ва изтироблари, мақсаду мудабоарни кўнглида қандай акс-садо берса, шу ҳолича тақдим этади. Бу, назаримда, қорақал-

поққа хос феълую атворидандир. Бердақ асарларидаги самимият мана шу. Демак, инсон табиатидаги софлик, ростгўйлик, ҳалоллик, ҳақиқатпарварлик, элсеварлик каби хислатлар табиий равишда унинг лафзига кўчади.

Бердақнинг эл ардоғидаги улкан ижодкорга айланиши сабаби энди аён. У, аввало, донишманд халқнинг асрлар суронидан эсон-омон ўтиб келган ижодини, ўзидан олдин ўтган улғун сўз салафлари меросини, замондош ижод аҳли асарларини чуқур ўрганган ва улардан ижодий фойдаланган. Айтиш мумкинки, асарларини фақат ўзига хос, яъниким Бердақ бўлиб ёзган.

Бердимурод — Бердақ бўлди

Қардош қорақалпоқ адабиёти билан ўзбек адабиётини айрича тасаввур этиш, ўрганишининг асло имкони йўқ. Утмиши ва бугуни бир-бирига чамбарчас боғланиб кетган бу икки халқнинг шундай мухташам ижодкорлари борки, ҳар икки миллат томонидан бир хилда эъзозланади, қадрланади. Халқларимиз Оғаҳийю Машрабни, Кунхўжаю Ажиниёни, Абдулла Орифю Эркин Воҳидни, Ибройим Юсупову Тўптеберген Қайибергеновни бирдай эъзозлайди. Шубҳасиз, ана шу эъзозу ардоқларга сазовор мухташам ижодкорлардан бири Бердимурод Қарғабой ўғли Бердақдир.

**Шоҳида булбул сайраган,
Боғлари гул-гул чаман,
Кун нурлари яшнаган,
Ёруғ дунё керак менга.**

Тинч, хушқақчақ, фаровон турмуш бор жойдаги на булбуллар хонишини тинглаш мумкин. Шу биргина сатрнинг ўзига шоирнинг тинчликка, фаровонликка бўлган эҳтиёжи сезиладики, шоир яшаган ўз даври нотинч, муҳтожликда ўтганини, юртининг ёвлар қўлига ўтаётганидан ташвишга тушаётганини англаш қийин эмас. Шу биргина сатрнинг ўзига дарахт шоҳига ўтириб, зулматини-да тобора ваҳимага чулғайтган қора қарга каби қорақалпоқ халқининг бошига ташвиш ёғдирган ушл қаттол замонларнинг ёвларини бир қур кўз олдимизда гавдалантиради. Бу сатрлардан ҳам англашиладики, Бердақ элу юрт тақдирини ўз тақдирини деб билган ва шундай яшаб ўтган. Халқнинг ва Ватаннинг ёруғ келажиги учун қайғурядиган одамлар бўлиши керак, деб ҳисоблаган. Вақтлар ўтади, бироқ юртга ва элга бўлган муҳаббат ўзгармайди. Халқни қадрлаган қадр топади. Шоирнинг сатрлари ана шу жиҳати билан ҳам яшовандир.

Оламда Ватандан азиз ер йўқ. Тақдир тақозоси билан юртдан олисда яшаган зотларнинг фикру хаёли Ватанда бўлган. Улар юрт хаёлидан бир дам айро яшамаганлар. Заҳириддин Мухаммад Бобурнинг оху фиғони, Зокиржон Холмухаммад ўғли Фурқатнинг доду фарёди ҳамон дилларни ўртаб келмоқда. Бирок банди оҳиз не чора кўрсинки, уларнинг пешоналарига битилган битик — тақдир илоҳий шундай бўлган бўлса. Бердақ Ватанин, элнинг азизлигини шундай содда ва теран ифодалайдики, кишининг юрту элга бўлган меҳру муҳаббати янада юксалади.

**Ишни ишла тугилгансан эл учун,
Жонингни яма одил эр учун,
Кинди қони томган азиз ер учун,
Улиб келганинча хизмат яхшироқ.**

Шоир Бердақ покиза эътиқод соҳибидир. Унинг сатрлари қаттидаги моҳият шундан хабар беради. У ҳақ сўзини айтишни, росгўйликни улғун фазилат деб билади. Ватан ва халқ манфаати учун доим киши ҳалол ва ростгўй бўлишини истади. Аммо замон у йўлгани каби бўлмади, фитнаю фасодларга дуч келаверишини изтироб билан айтади. Ундан кейин шоир адолат масаласига жиддий эътибор қаратади. Кишиларда муруват, хайру саховат камёб бўлиб бо-раётгани унинг кўнглига озор беради.

**Бердимурод — менинг ўзим,
Кунхўжани кўрди кўзим,
Ҳажиниёвга етган сўзим,
Улар ҳам шод бўлган эмас.**

Ибратли сўзлардан баҳраманд бўлар экансан, дунёнинг разил иллатлари поён топармикан, деган ўйларга борасан. Бироқ шу дамда шоирнинг умид-бахш сатрлари хаёлингга келган ўйларни гард ғубор сингари ҳаволарга совириб юборади ва кўнглинда асл ҳақиқат қарор топади. Бердақ сатрлари ҳақиқий маънодаги яшаш дастурини шундоқ кўнглинги синдириб қўяди. Энди сен билсан, ҳақиқат голиб, хайру саховат, муҳаббат, адолат, ҳалоллик асло мағлуб бўлмайди.

**Йилот кирмас фоқиқларнинг сўзига,
Асло тушмас манманликнинг изига,
Ғайрат бериб ўлғунча ўзига,
Хизмат этар мудом қондош халқ учун.**



Бердақ доимо Ватан хурлигини ўйлади, эл ғами билан яшади. Халқнинг фаровон ҳаёт кечириши истағида ўртанди:

**Чангалда қолган булбулнинг,
Чумчуқча ҳам шони бўлмас...**

Шуқрлар бўлсинки, бугун шоирнинг жаҳон хазинасини қўлига олиб, уни халқ йўлида сарф этишини ўйлаб, менга ҳам давлатли инсон умрин бер, дея чеккан нолалари рўёбга чиқди. Юрти обод, халқи эса фаровон ҳаёт кечиришга. Ҳақиқий шоирларнинг эса бундан бошқа орзуси бўлмайди.

Бердақнинг “Ақимбет”, “Шажара”, “Ойдўс бобо”, “Амангелди”, “Эрназарбий”, “Хоразм” сингари достонлари унинг мухташам ижодкор экани далилдир. У бу асарлари билан қорақалпоқ халқининг XIX асрдаги ҳаёти, турмуш тарзини кўрсатиб берган. Уша даврда Оролбўйидаги мавжуд сиёсий-ижтимоий, маданий муҳитни ўрганишда Бердақ асарлари муҳим ўрин тутди. Шу бос, Бердақ бутун умр инсонпарварлик, тенглик, саҳийлик, адолат, ватанпарварлик, меҳр-шафқат, қахрамонлик ва мардлик, миллий озодлик ва ҳақиқат учун кураш, меҳр-муҳаббат каби умуминсоний ва миллий қадриятларни қуйлаб ўтди.

Мен ўлмасман, ўлсам сўзим қолгуси

Бердақ “Мен ўлмасман, ўлсам сўзим қолгуси, халқим мени мудом ёдга олгуси”, дейди. Бу шоирнинг ўз ижодиға оид нурули башоратидир. Ҳақиқий ижодкорларнинг асарлари ҳеч қачон ўлмайди. Уларнинг ёзганлари худди бугун ёки кеча ёзилгандек, кишилар қалбига нури зиб таратиб тураверади. Бердақнинг “Мард йигитни агар севса элати, кундан-кунга ортар унинг қуввати”, “Қайғунг тарқар ботир билан, мард билан”, “Султон бўлма ёт элинда, чўпон бўлгин ўз чўлинда”, “Одам бўлсанга зийнат ному-ор” деган сўзлари ҳикматли сўз, бир мақол янглиғ ўқувчини ҳам-миша оғоҳликка даъват этиб тураверади.

Бердақ шеърларини таржима қилиш бугун ҳам давом этмоқда. Қорақалпоғистон халқ шоири Рустам Мусурмон Бердақнинг биз юқорида мисол келтирган шеърини бундай таржима қилган:

**Мард бўлиб белин бойлаған,
Жонини фидо айлаған,
Халқнинг ғамини ўйлаған
Юрт ғамхўри керак менга.**

Худди Бердақ бундан юз йиллар аввал бугунги кунларни кўриб тургандай ёгани бизни хайратга солади. Бугун “Саховат ва кўмак” ҳаракатини қаранг, махсус фармон билан 400 мингдан ортик оилага моддий ёрдам берилганини, мамлакатимиз бўйлаб олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини, барпо этилаётган замонавий шаҳарларни, турар жой биноларини, Мўйноқдаги мўъжизаларни қаранг. Шоир юртининг ана шундай ғамхўрини назарда тутган.

Демак, бугун ҳам Бердақ ижодиға кўнглимизда эҳтиёж бор. Шу маънода, Миртемир домла издошларини шоирнинг ҳали ўзбек тилига ўйрилмаган асарлари кутиб турибди. Албатта, адабиётшунослар қамишдан бел боғлаб Бердақ асарларидаги ҳаётбахш гоиларни замона руҳидан келиб чиққан ҳолда талқину тадқиқ этишларига ишонаман. Бердақ ҳайкалига бириктирилган олий ўқув юрти сифатида Тошкент педиатрия тиббиёт институти олимлари ҳам бу масъулиятли вазифаларни амалга ошириши йўлида самарали ишларни амалга оширадидлар. Аслида Бердақнинг Адиблар хиёбонидаги ҳайкалда ана шу зғу мақсадлар ҳам қад ростлаб турибди. Авлодларга йигирма минг мисралдан зиёд шеър, достонларни мерос қолдирган ижодкор ҳамма даврларда эъзозланишига муносибдир. Бердақ адабий мероси фақат ўзбек ва қорақалпоқнинг эмас, балки барча туркий халқларнинг ҳам улкан маънавий хазинаси бўлиб қолаверди. Қорақалпоқ эли билан қондош, жондош эканлигимизни ҳисобга олсак, Бердақнинг ижодини теран ўрганишга ва тарғиб этишга ҳар доим масъул эканлигимизни яна бир бор англаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 2230.

42596 нусxada босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонаси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8-уй. Босмахона телефони: (71) 230-27-76

Навбатчи муҳаррир: Нодир Маҳмудов
Мусахҳач: Асолат Шербекова
Дизайнер: Зафар Бақиров

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА яқуни — 23:30 Топширилди — 01:20

Бош муҳаррир: **Салим Дониёров**

“Янги Ўзбекистон” газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари

Бахтиёр Абдусатторов

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.